



# Меҳр-оқибатимиз кучайсин

Абдулазиз МАНСУР,  
Ўзбекистон муслмонлари  
идораси раиси ўринбосари

Аллоҳ таолога ҳамду сано, Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуруд, саловот ва саломларимиз бўлсин.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ясрибга келганларида бу шаҳар аҳлининг байрам қиладиган икки куни бор эди. Расулulloҳ (алайҳиссалом) у кунлар ҳақида сўрадилар. “У кунлари биз жоҳилият даврида ўйин-кулги қилардик, дейишди улар”. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло у иккисини сизлар учун энг яхши Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларига алмаштирди”, дедилар. Муҳтарам Юртбошимизнинг фармонига кўра, ҳар йили Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари дам олиш куни деб эълон қилиниши ҳам байрамларимизга ўзгача мазмун бахш этади.

Байрамлар хурсандчилик онлари бўлиши билан бирга, зиммамизга бир қанча масъулият ҳам юклайди. Биринчи навбатда дунёга келишимиз сабабчилари, бизни гўдаклигимиздан тарбиялаб, улғайтирган ота-оналаримизни зиёрат этишимиз, уларни шод қилиб, дуоларини олишимиз керак. Улуғ айёмда ёши улуғларни йўқлаб, кичикларга совға бериб, суюнтириш қанчалар савобли амал.

Байрамда қариндош-уруғларни, ёрдўстларни, устозларни зиёрат қилиб, дуо-

ларини олиш, ногиронлар ҳолини сўраш муслмонга ярашиқли, савоби катта. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудуратли ака-ука, таниш-билишлар ҳам байрам шарофати билан бир-бирларига кучоқ очсинлар.

Байрам кунларида Аллоҳ таолога севимли иш яқинларга совға-салом улашиш, муҳтожларга мурувват кўрсатишдир. Қурбон ҳайити кунлари эса қодир бўлганлар жонлиқ сўйдилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қурбонлик қонининг биринчи томчиси ерга тушиши билан қурбонлик қилувчининг ўтган гуноҳлари кечиради”, дея башорат берганлар. Зеро, ушбу ибодат Аллоҳ таолони улуғлаш, берган неъматларининг шукронасини адо этиш ва нафсоний иллатдан покланишдир.

Шу ўринда бир нарсани эслаб ўтиш жоиз, ҳайит кунлари таъзия билдириб, мусибат кўрган хонадонларга бориш бидъат амаллардандир. Яқинлари вафот этганларнинг байрам хурсандчилигига раҳна соладиган маросимлар ўтказиши динимиз кўрсатмаларига ёт. Мўмин-муслмон байрам кунини мотамга, хурсандчиликни ғам-қайғуга алмаштирмайди. Зеро, маблағни бундай бидъат маросимларга сарфламаслик керак. Аксинча, муҳтожларга, фақир-мискинларга, етим-есир, бева-бечораларга тарқатган яхшидир.

# Яхшилик садақадир

Мўминнинг нияти Аллоҳ таоло розилигини топиш бўлса, барча амаллари, шак-шубҳасиз, ибодат бўлади. Шунинг учун ҳам мусулмонга яхшилик эшиклари доимо очик. У Аллоҳнинг марҳамати, чексиз ажрлари ва раҳмати соясида бу эшиклардан хоҳлаган вақтида кираверади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтди: “Қуёш балқиган ҳар бир кунда икки киши ўртасини адолат билан ислоҳ этишинг садақадир. Бир киши уловига минишида ёрдам қилишинг ва юкини уловига кўтариб юклаб беришинг садақадир. Бир кишига табассум билан яхши сўз айтишинг садақадир. Намоз сари босган ҳар бир қадаминг баробарида сен учун садақа бор, йўл кўрсатишинг садақа, одамларга азият берадиган нарсани йўлдан бартараф этишинг ҳам сенга садақадир” (*Имом Аҳмад ривояти*).

Алишер Навоий яхшиликни бундай таърифлайди:

“Мурувват – барча бермақдир, емак йўқ.

Футувват – барча қилмақдир, демак йўқ”.

Халқимизда “Ўнг қўлинг қилган яхшиликни чап қўлинг билмасин”, “Яхшилик қил-у, дарёга от, балиқ билар, балиқ билмаса, Холиқ билар” деган нақллар бор. Катталаримиз яқинларга, ён-атрофдагиларга, дўсту ёр, ошною бегоналарга ҳар доим яхшилик қилишни ўргатиб келишган. Бир коса овқатининг ярмини қўшнисига илинган, эгнидаги кийимини ўзидан кўра муҳтожроқларга берган, сўнгги томчи сувини йўловчи ҳамроҳига тортиқ қилган мурувватли халқнинг болаларимиз. Бироқ орамизда арзимаган ёрдамлари эвазига бирор манфаат кутадиганлар ҳам учраб қолади. Амаллар ниятларга кўради. Шунинг учун тама илинжида қилинган яхшиликда ажр, ухровий манфаат йўқ. Биргина миннат ҳосил бўлган савобни йўқ қилади. Яратганнинг розилиги учун эл ва халқ хизматида бўлиш, имкон қадар бошқаларга ёрдам қўлини чўзиш ва ҳожатларини чиқариш юксак саодатдир.

**Умида АЗИЗ**

Журналнинг 2013 йил 1-сонидан бошлаб янги саҳифалаш ва ўзга бадий безаш услуги Жамшид Саъдиновники.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий, илмий-адабий нашр

## Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Мовароуннаҳр» нашриёти

## Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

## Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Анвар ТУРСУН  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Абдулҳамид ТУРСУН  
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Исомиддин АЛИМОВ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Мухтарама УЛУФОВА

## Хаттот

Ислом МУҲАММАД

## Бадий муҳаррир

Элнур НИЁЗ ўғли

## Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

## Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи терди.

## Манзилимиз

100002, Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47<sup>а</sup>-уй;  
Тел: 227-34-30, 240-05-19.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [m-nashr@yandex.ru](mailto:m-nashr@yandex.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2013 йил 14 октябрда руҳсат берилди.  
Босмаҳонага 2013 йил 16 октябрда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Адади 61.100 нуска.  
3212 - сон бюуртма. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилди.  
Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41.

*Қўлёзмалар қайтарилмайди.*

*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос ва рақамлар учун муаллиф масъул. Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.*

*Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ноҳоиз жойларга ташла-маслигингизни сўраймиз.*

ТАФСИР

## ЯҚИНЛАРГА ЁРДАМ МУРУВВАТДИР 4

Тўёна қарз эмас, садақа ҳам эмас, балки маҳалла аҳлининг, қариндошларнинг ва дўстларнинг тўй эгасига Аллоҳ учун холис кўрсатган моддий ёрдами, мурувватидир.

Бундай тўёна тўйдан бир неча кун олдин берилиши керак. Зеро, бу туфайли тўй эгалари зарур харажатларини қийналмай қоплашади.

## САҶОБАЛАР ҲАЁТИ ДИҲЯ КАЛБИЙ 10

Ибн Саъднинг (раҳматуллоҳи алайҳ) айтишича,

Диҳя Бадр жангидан олдин Исломни қабул қилган. Лекин унда иштирок эта олмаган. Шаъбий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: Диҳя Калбий бундай хотирлаган: “Мен Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жундан тўқилган чопон ва бир жуфт кавуш ҳада қилдим, уларни йиртилиб кетгунича кийдилар”.

## МАСАЛА СЎРАГАН ЭДИНГИЗ... 16

Савол: Ҳозирги кунда пластик карталардаги маблағни нақд пулга алмаштириш ҳоллари кўп учрамоқда, шу судхўрликка кирадимиз?

Жавоб: Билишимизча, пўлингизни нақд қилиб бераётган “шоввозлар” холис хизмат қилишмайди.

Доимо ўн ёки ўн беш фоиз ҳақ олишади.

## ХАБАРЛАР ИСЛОМ ВА ОЛАМ 20

### ХАТНА ҚИЛИШГА РУХСАТ

Олмонияда барча дин вакиллари қатори мусулмонларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишга аҳамият бериляпти. Мамлакат Ахлоқ-одоб кенгашининг Кёлн шаҳрида ўтказилган йиғилишида ўғил болаларни хатна қилишга доир мусулмонлар илтимосномасини кўриб чиқди ва маъқуллади.

## МУНДАРИЖА

*Яхшиликка чақириш*

Абдулазиз МАНСУР

**Меҳр-оқибатимиз кучайсин** ..... 1

*Таянч нуқта*

Умида АЗИЗ

**Яхшилик садақадир** ..... 2

*Идора ҳаёти*

Ибодулло АҲРОРОВ

**Энг намунали имом** ..... 5

*Мустақиллик қадри*

Файзулло МУҲАММАДИЕВ

**Ўтмишдан уч хотира** ..... 6

*Долзарб мавзу*

Абдулхай ТУРСУНОВ

**Бир дин, бир мазҳаб, бир Ватан** ..... 8

*Қуръонни ўрганамиз*

Муҳаммадзафар АҲМАДЖОНОВ

**Қуръон шифо бўлишининг шартлари** ..... 12

*Мунаввар олам*

“Тартил” (Қуръон ўқиш қоидалари) ..... 13

*Аёллар саҳифаси*

**Ойша онамиздан (роизяллоҳу анҳо) ўргансак...** ..... 14

*Мактубларда манзаралар*

Дилфуза РАҲИМЖОН қизи

**Онамга ўхшагим келади** ..... 15

*Истиқлол фидойилари*

Анвар ТОЖИЕВ

**Жўрабек додҳонинг қабри қаерда?** ..... 17

*Маърифий суҳбатлар*

Усмон НУРИЙ

**Маънавий юксалиш сири: тавозе** ..... 18

*Ёмонликдан қайтариш*

Абдулазиз МАХСУМОВ

**Фаришталарга озор бермайлик** ..... 23

*Шеърят*

**Меҳрдан тошлар ҳам дурга айланар** ..... 24

Ёқуб АҲМАДЖОНОВ

**Дард ҳам меҳмон эрур...** ..... 24

Фазилат НИЗОМОВА

**Насиҳат** ..... 24

Абдумутал ҒУЛОМОВ

**Рози қил** ..... 25

Муҳаммадамин ЖАББОРОВ

**Тўртликлар** ..... 25

*Устозларимиз*

Аслиддин ҚАМАРЗОДА

**Олимнинг ибрати** ..... 26

*Мерос*

**Лузумий** ..... 27

*Мулоҳаза*

Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи

**Ўзингизни яхши кўрасизми?** ..... 28

*Тафаккур*

Ҳасанхон ҚАЮМОВ

**Олчоқ одамнинг аҳволи** ..... 29

*Олисларга саёҳат*

**Намибия Республикаси** ..... 30

*Тиббиёт бурчаги*

**Узум, анор шарбати** ..... 32

# Яқинларга ёрдам мурувватдир

«Ўз ораларингиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантиринглар. Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитади...» (Нур, 32).

وَأَنْكِحُوا الْأَيَامَىٰ مِنْكُمْ وَالصَّالِحِينَ مِنْ  
عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ إِنْ يَكُونُوا فُقَرَاءَ يُغْنِهِمُ  
اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ

Бу ояти каримада мусулмонга фақат ўзи никоҳда бўлиши билан кифояланиб қолмай, бошқа уйланмаган қардошларининг ҳам никоҳли бўлишлари учун ҳисса қўшиш буюрилган.

Ояти каримада яна бундай буюрилган: **“...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилинг...”** (Моидда, 2). Яъни, “Аллоҳ таоло буюрган барча ишларда бир-бирингизга ёрдамлашинг ва бошқаларни ҳам шунга тарғиб қилинг, Аллоҳ таоло буюрган бир эзгуликнинг

юзага чиқарилишида кўмагингизни аяманг”. Шунинг учун мусулмонлар оила қурмай юрган эркак ва аёлларга никоҳли бўлиш кераклигини тарғиб қилишади. Айнан шунинг учун ҳам ўғил-қизларини, яқин кишиларини уйлаб-жойлаб қўйиш учун бутун имкониятларини ишга соладилар, уйланиш харажатларида қийналиб қолган дин қардошларига моддий ёрдамларини аямайдилар. Шулардан келиб чиқиб, халқ тилида: “Тўйга қуш ҳам қанотини қоқади”, деган мақол жорий бўлган. Хонадонлардан бирида тўй бўладиган бўлса, маҳалла аҳли қўллаб-қувватлайди, хусусан, ўзига тўқ кишилар вақт топиб, ўша хонадонга кириб, “Муборак бўлсин, бизга нима хизмат?” деб, ёрдамларини аямайдилар. Бундай хизматга ҳозирлик инсоний меҳр-мурувват ва Аллоҳнинг фазлу карамидан умидворлик туйғуси туфайли пайдо бўлади. Фақат холис ёрдамгина тўёна дейилади. Тўёна қарз эмас, садақа ҳам эмас, балки маҳалла аҳлининг, қариндошларнинг ва дўстларнинг тўй эгасига Аллоҳ учун холис кўрсатган моддий ёрдами, мурувватидир. Бундай тўёна тўйдан бир неча кун олдин берилиши керак. Зеро, бу туфайли тўй эгалари зарур харажатларини қийналмай қоплашади.



Хозирги кунда урф бўлган тўенани эса, холис бериладиган тўена деб бўлмайди. Чунки у тўй куни, ҳаммининг кўз ўнгида берилди. Ва яна тўена берувчи қанча бергани, қайси вақтда бергани, кимга бергани, у тахминан қачон қайтарилиши кераклигини ҳам ёзиб қўяди. Шунингдек, тўй эгаси ҳам тўй куни кимдан, қаердан, қанча тўена олганини ва уни тахминан қачон қайтариши зарурлигини дафтарига ёзди. Бир неча ошна-оғайниларига тўена берган одам ишонч билан: “Мен эллик ёки юздан ортиқ кишига тўена берганман, улар қайтарса, фалон ишимни битириб оларман”, деб мақтаниб ҳам қўяди. Ўз-ўзидан кўришиб турибди, ҳозир урф бўлган бундай тўеналар қарз беришдан бошқа нарса эмас. Бирор сабаб билан тўйда иштирок этолмай қолса, тўенани бирор одам орқали бериб юборишга мажбур, йўқса, ўртада гинахонлик, адоват бошланиши ҳам мумкин. Холбуки, тўй эгасига бирор одамнинг малолланмасдан, мажбур бўлмасдан, ўз ихтиёри билан, имкони ятидан келиб чиққан ҳолда, қайтариш шарти билан эмас, ёрдам сифатида берадиган тўенаси ҳақиқий мурувват бўлиб, уни берувчи эҳсон қилган, ибодат қилган савобига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтсак, оила қуриш учун икки тараф ҳаракат қилар экан, маҳалла аҳлининг, қариндошларнинг ва дўстларнинг тўенаси оилавий иқтисодга ёрдам бериб, қувват бағишлайди. Шу туфайли янги қуриладиган оила мустаҳкам, ҳаёти фаровон бўлади.

**Раҳматуллоҳ ОБИДОВ,**

*Тошкент Ислон университети доценти,  
тарих фанлари номзоди,  
«Жўрабек» жомеи имом-хатиби*

**Ёрдам беришнинг  
ғўзаллиги ундан  
кишининг тасалли  
топишида кўринади.**

*Абу Али ибн Сино*

## Энг намунали ИМОМ

Шу йилнинг 23 сентябр куни “Энг намунали имом” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда мусобақанинг вилоят босқичи ғолиблари қатнашдилар. Танлов иштирокчилари тафсир, фикҳ, долзарб ижтимоий мавзулар, маънавият ва маърифат, Ислон тарихи ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлари бўйича билим ва маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Якуний босқич натижаларига кўра, Навоий вилояти Хатирчи тумани “Имоми Аъзам” масжиди имом-хатиби Муҳаммад Эргашев биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани “Юсуф эшон” масжиди имом-хатиби Абдурахмон Матсапаев иккинчи, Самарқанд вилояти Оқдарё тумани “Махдуми Аъзам” масжиди имом-хатиби Олимжон Юсупов ва Андижон вилояти Олтинкўл тумани “Оқтепа” масжиди имом-хатиби Санжарбек Маманазаров учинчи ўринни эгаллашди. Кўрик-танлов ғолиблари ва қатнашчилари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбариятининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Тадбир ниҳоясида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов сўзга чиқиб ғолибларни қутлади. Ўз навбатида, кўрик-танлов иштирокчилари, тадбир қатнашчилари ва Тошкент Ислон институти битирувчи курс талабаларига имом-хатиб эга бўлиши керак бўлган ҳулқ-атвор, Қуръонни тажвид қоидаларига риоя этган ҳолда ўқиш ҳамда халқимизнинг диний эҳтиёжи учун зарур бўлган фикҳий масалаларни билмоқликлари ҳақида керакли йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берди.

**Ибодулла АҲРОРОВ,**

*Тошкент Ислон институти ўқитувчиси*

# Ўтмишдан уч хотира

## ПОЙЛОҚЧИЛИК

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари. Эркимиз бировларнинг қўлида. “Дин афюндир”, деб жар солиниб, диндорлар қатағонга учраган, 4000 дан ортиқ бебаҳо ёдгорлигимиз колхозларнинг ўғит омборхонасига айлантирилган. Ўшанда мен 8–9 ёшли бола эдим.

Қишлоғимизда тўрт-беш нафар имон-эътиқоди бут, мустабид даврларда ҳам тоат-ибодатини канда қилмаган Зубайдулло хўжа ўғли Мамарасул қори, мулла Сирожиддин бобо, мулла Муҳаммади Охун бобо, мулла Эргаш бобо, мулла Муродилло бобо каби кексалар бор эди. Улар ҳар Рамазон ойи келса, таровех намозини қўрқиб-пусиб, биронта намозхоннинг меҳмонхонасида ўқишарди. Қишлоғимизда айғоқчи бўлган чоғи, намоз ўқилган куннинг эртаси “махсус идоралар” хабар топиб, уларнинг бошини қотирар, сарсон-саргардон қилар эди.

Бир куни бизнинг меҳмонхонамизда таровех намозига тўпланишди.

“Дарвозани ҳеч кимга очмагин. Биров тақиллатса ҳам, очма, секин мени чақир”, деб огоҳлантирган бўлдилар, бобом. Мен ҳузур ила соқчилик навбатига турдим. Устимда бобомнинг эски чопони, остимда увадаси чиқиб кетган кўрпача. Изғиринли тун. Ичкарида боболар намоз ўқишмоқда. Совуқдан жунжикиб, кўзим илинибди. Тўсатдан дарвозамиз қаттиқ тақиллаб қолди. Чўчиб уйғониб кетдим. Хаёлимда ҳозир мелиса бобомни қўлларига кишан солиб олиб кетадигандек туюлди. Оёқ учида бориб, намоз ўқиётган бобомнинг қулоғига: “Кимдир дарвозани қаттиқ тақиллатяпти”, дедим. Бобом дарҳол шерикларининг қулоғига шипшидилар. Намоз тугадими-йўқми – билмадим, улар тезда жойна-мозларини йиғиб, битта-битта бўлиб орқа дарчадан чиқиб кетишди.

Бобом йўталиб-йўталиб ташқарига чиққан киши бўлиб, бошларига чопонларини ёпиниб

“Ким?” деб икки-уч марта сўрадилар. “Мен Йўлдошман”, деди ташқаридаги овоз. Набиралари экан. “Ҳа, нима гап?” деб дарвозани очдилар. “Зарурат туғилиб қолди, молимни сотиб берасизми, деб келган эдим”, деди Йўлдош акам дарвозадан ичкарига киргач. “Бемаҳалда келиб одамни ташвишга туширгандан кўра, эртароқ келсанг бўлмайдимми?!” деб койиб бердилар бобом.

...Мулла Муҳаммад Охун бобом ҳаж сафарини орзу қилиб, юракларида катта армон билан бу дунёдан ўтиб кетдилар. У киши етолмаган орзуга мен етиб, ҳаж сафарини адо этдим. Бобом армонини эслаб, йиғлаб-йиғлаб, Каъбани кучдим. Бобом учун, меҳрибон онам, отажоним учун кучдим...

## БАҲРОМ АКА

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари компартия динимизга қарши курашини авжига чиқарди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз йўқ бўлар ҳолга келиб қолди. Ўрнини “совет маданияти”, “совет халқи” эгаллаётган эди.

Оддий ҳайдовчи, камтарин инсон Баҳром Носировнинг шаҳар фирқа кўмитаси бюросида шахсий иши кўриляпти. Бошқа миллатга мансуб партия комиссияси раиси мендан партия аъзоси Баҳром Носиров билан “тарбиявий соат” ўтказиб, “коммунистик партия” руҳида тарбиялаб қўйишимни сўради.

Баҳром ака автокорхонада автобус ҳайдовчиси, имон-эътиқоди бут, дунёвий-исломий билимлардан хабардор, худосиз тузумга қарамай тоат-ибодатини канда қилмай юрган инсон экан. Суҳбат чоғи мен Баҳром акани эмас, Баҳром ака мени тарбиялаб қўйди, десам бўлади.

Бюрода мана бундай тергов бўлиб ўтди:

– Ўртоқ Носиров, сиз коммунист бўлатуриб, нега қабристонга бордингиз? Мачитга кириб намоз ўқидингиз?

– Мен ота-онам қабрини зиёрат қилгани борган эдим...

– Партия аъзоси диндорларга қарши курашадиган атеист бўлиши керак эмасми? Чўнтагингизда партия билети бўлатуриб қабристонга бориб юрганингизни қандай тунсунса бўлади? Яна ҳайит кунларида!

Шунда Баҳром акада қандайдир “портлаш” содир бўлди:

– Партия аъзоси ота-онаси қабрини зиёрат қилмасин, деган жойи борми партия уставида?! “Доҳий”ларнинг қайси китобида шундай дейилибди? “Коммунистик партия манифести”да борми ё?!

Бюрода қатнашаётган 20–30 киши гунг бўлиб қолди. Ҳамма бюрони бошқараётган иккинчи котибга қаради. Иккинчи котиб эса, автобаза директори Муҳаммадjon Саидовга (Аллоҳ раҳмат қилсин) ва партия қўмитаси котибига ўшқариб кетди:

– Кимларни ишлатяпсиз? Ташкилотингизда коммунистик тарбия ва партия ўқуви ёмон йўлга қўйилган, сиёсий ўқишлар ўтказилмайди! Ташкилотингиз ходимлари диндор бўлиб кетяпти!

Шунда Баҳром ака:

– Мен оддий ҳайдовчиман, коммунистман, ўз бурчимни биламан ва виждонан ишлаб юрибман. Режаларимни 140 фоизга уддалаб келяпман... Ота-онасининг қабрини зиёрат қилишга рухсат бермаган бундай партиядан ор қиламан! Партия сафидан чиқаман ва бундай партиядан воз кечаман! – деб партия билетини столга ташлади.

У пайтларда партиядан ўчириш қамоқ билан тугарди. Раислик қилувчи шаҳар прокурорига, ички ишлар бўлими раҳбарларига: “Алоҳида шуғулланасиз – қамайсиз!” деб, автокорхона директорига эса: “Мошинасини тортиб олинг!” деб

топширик берди. Шунда Баҳром ака босиқлик билан:

– Камалсам ҳам, майли. Мен бўшманми?.. – деб хонадан чиқиб кетди...

Ҳозир Баҳром ака етмиш ёшларни қоралаб қолди. Халқимиз орасида обрў-эътибори баланд. Баҳром ака билан ўша кунларни эслаб кулишиб юрамиз.

## БОҒОТДА ЎҚИЛГАН ҲАЙИТ НАМОЗИ

“Юксак маънавият – енгилмас куч” аса-рида таъкидланганидек, юртимизда муста-бид тузум даврлари-да ҳам имон-эътиқодини йўқотмаган, тоат-ибодат-ли, ҳалол ризқ топиб яша-ган одамлар кўплаб топи-лар эди. Улар худосиз тузум зуғумлари шароитида ҳам имонларини, ибодатлари-ни сақлаб қолишга ҳаракат қилишарди. Айниқса, ик-ки ҳайит намозини ўқиш ҳар йил оғир масала эди. Энг олдин ҳайит намозини ўқишга хилватроқ жой то-пиш керак. Кимдир мозор-да ўқиймиз деса, ким мул-ла Эргаш бобонинг боғида, яна кимдир Шароф бобо-нинг боғотида ўқиймиз, деб таклиф қиларди. Бир гал уйи қишлоқ четроғида бўлган Шароф бобонинг



боғоти танланди.

Жума намозларини, таровеҳ намозлари-ни мачитларда эркин ўқиш, Аллоҳга шукр, бизга насиб қилди. Боболаримиз бу кунларни кўришганидами!

Мустақиллигимизнинг қадрига етайлик. Бундай кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Айниқса, ёшларимиз қандай замонда яшаётган-ларини билсалар, дейман.

**Файзулло МУҲАММАДИЕВ,**

*Каттақўрғон Педагогика коллежи ўқитувчиси,  
Халқ таълими аълочиси*

**“Халқларимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак”.**

Ислом КАРИМОВ

# Бир дин, бир мазҳаб, бир Ватан

Қизиқиш туйғуси ижобий ё салбий бўлиши билан шахснинг ҳаёти ҳамда жамият фаолиятига ҳам ижобий ё салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Ижобий қизиқувчанлик кишига фойда келтириши табиий. Бу орқали инсон мақсадига эришади, камолга етади, юксак даражаларни эгаллайди. Салбий қизиқувчанлик дунёвий ва диний кўринишда ёмон оқибатларни келтириб чиқаради. Воқеалар ечимини топмай, турли можароларга сабаб бўлади.

Динга муносабатда ҳам ижобий қизиқувчанлик ижобий натижа беради – илм-маърифат ошади, жамият ахлоқи яхшиланади. Динда чуқур кетиш, муросасизлик айна салбий қизиқувчанлик оқибати бўлиб, жамият бошига кўп кулфатлар келтиради. Худди шу ҳолни олдиндан ҳис этган Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, дин жуда мустаҳкамдир. Унга уюшқоқлик ва бағрикенглик билан ёндашинглар”, деб инсониятни огоҳлантирганлар. Бу чақириқ инсонийликка чақириқдир. Чиндан, диннинг моҳият-мазмунини ҳеч бир одам пайғамбарлардек тушуниб етмайди. Улар илоҳий таълимот асосида туширилган китоб-дастурлар нуридан баҳра олган, ҳақиқат чироғини жисмонан ва қалбан онг-шуурлари

билан ҳис қилган ва тасаввур эта олган комил инсонлар эди. Шунинг учун улар ҳамма соҳада намуна бўлишган.

Ҳадиси шарифлар бундай таълимот беради: “Кимки шошма-шошарлик қилмасдан, сабру қаноат билан иш қилса, қилган иши тўғри чиқади ёки шунга яқин бўлади. Шошилган одамнинг иши хато чиқади ёки шунга яқин бўлади”; “Бировнинг зоҳирига ёки қилаётган яхши ишига қараб уни мақташга шошманглар, балки унинг охириги ҳолатига назар солинглар”.

Ҳаётини муаммолар шошма-шошарлик ва қизиққонлик билан ечим топмайди. Динимиз динда ва ҳаётнинг барча жабҳаларида шошилмасликка, босиқлик, фикр-мулоҳаза билан иш юритиш, ҳар бир ишда маслаҳат билан фаолият олиб боришга чақиради. Хусусан, ҳар бир мусулмонни маънавий ва маърифий етукликда илғор бўлишга ундайди.

Динимиз кўрсатмаларида мўмин-мусулмонларга ўзаро муносабатларида тинчликни асос қилиб олиш, бошқаларга маслаҳат ва нисаҳатда кескинликдан қочиш тавсия этилган.

Лекин айримлар бу мақталган ахлоққа эриша олмасдан, ҳаётда ўз тилак-истакларининг



қулига айланиб, оқибатда турли можароларга йўлиқади. Кичик бир сабаб билан тузатиш мушкул, қалтис вазиятларга тушиб қолади. Аслида, ҳар қандай қизиққонлик ёки шошма-шошарликни фикр-мулоҳаза билан тартибга солса бўлади ва бу одам боласининг чиройли хусусиятларидан биридир. Бу тўғрида Луқмони Ҳаким: “Учта нарсани уч вақтда – ҳалимликни ҳис-туйғу қайнаган ва ғазаб келган вақтда, паҳлавонликни кураш вақтида, дўстликни машаққат пайтида ишлата билинг!” дейишлари айни ҳақиқатни ифода этади.

Ўтмишдаги ва ҳозирги тоифалар таҳлил қилинадиган бўлса, асосан ахлоқий камчилик, муаммони тўғри еча олмаслик, ҳар бир нарсанинг ижобий ва салбий моҳиятини тасаввур эта билмаслик, шошма-шошарлик уларни кескин кайфиятга олиб боргани кўринади. Буни замон тили билан айтилса, “радикаллик” дейилади.

“Радикализм” нима дегани? Бу сўз лотинча бўлиб, radix – томир, илдиз, ўзак маъносини англатади, мақсад-муддаони кескин, мурасасиз амалга ошириш, у ёки бу ишдаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартиришга интилишни ифодалайди.

Айниқса, радикализмнинг дин ниқобидаги кўриниши ўта ачинарлидир. Зеро, дин билан ниқобланган радикаллик муқаддас динимизга ҳурматсизлик, одобсизликдир. Унинг турлари, кўринишлари ва мазмун-моҳиятига назар солсак, “ўринсиз фидойилик” оқибатида ўзи ва бошқаларни боши берк кўчага олиб бориб қўйганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Аниқроқ айтадиган бўлсак, радикаллик ижтимоий барқарорликка, тинчликка ва жамоат тартибига жиддий путур етказадиган, жамият ҳаётини издан чиқарадиган бузғунчи куч сифатида кўриняпти.

Динимиз, инсон ўзининг ва бошқаларнинг тинчлик-осойишталигига, фароғат ва тараққиётига қанчалик инсонпарварлик нуқтаи назари билан ёндашиши кераклигини олға суради. Қаранг, Ислом фақат тинчлик-осойишталикка чақиряпти. Ислом оламига зарар етказмасликка чорлаяпти. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ибодат қилиш билан бир қаторда, ахлоқ ва одобларга буюряптилар. Панд-насихат эшитиб, фикр-мулоҳаза қилиб, тўғри йўлни топишга ундаптилар. Аслида ҳам, диндан мақсад шу эди. Яъни, Аллоҳга

қуллик қилиш деганда ибодатлар ҳам, жамият бири бири билан иноқ яшаши, дунё ҳаётини ҳам фаровон қилиши, уни тараққий эттириши назарда тутилган.

Қаранг: дарахт ўтқазганга қанча савоб! Кўприк қурганга қанча савоб! Илм тарқатганга қанча савоб! Имконияти чекланганларга ёрдам қилганга қанча савоб! Сув келтирганга қанча савоб! Бу кибилар “ўчмас савоб” деб белгиланишининг ўзи динимиз дунёвий ишларга қанчалик эътибор бераётганини кўрсатади. Булардан ташқари, санаб саноғига етиб бўлмайдиган даражада яхшилик ва эзгуликка буюряпти. Дин дунёни буз, одамларни ўлдир, обод турмушни йўқ қил, деб ҳеч қачон айтмайди ва айтган ҳам эмас. Соф имон ва ақидага эга киши ўтган пайғамбарлар, солиҳ инсонлар, эзгу ниятли жамиятлардан ибрат олади, ўзи ҳам ўшалардек бўлишга ҳаракат қилади.

Зеро, бизларни бир дин, бир мазҳаб, бир Ватан жамлайди, юртимиз ва халқимиз равнақини сақлаб қолади.


Зеро, бизларни бир дин, бир мазҳаб, бир Ватан жамлайди, юртимиз ва халқимиз равнақини сақлаб қолади.

**Абдулҳай ТУРСУНОВ,**

Ўзбекистон муслмонлари идорасининг Наманган вилоятидаги вакили

# Дихя Калбий

**Тўлиқ исми:** Дихя ибн Халифа ибн Фарва ибн Фазола Калбий Қузозий.  
 Аллоҳ таоло набийлар ва расулларга ваҳий элтиш вазифасини юклаган буюк фаришта Жаброил (алайҳиссалом) Пайғамбаримиз ҳузурига Дихя Калбийнинг (розияллоҳу анҳу) суратида келар эди.



**Исломни қабул қилиши:** Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Дихянинг Исломга киришини жуда хоҳлардилар. Чунки унинг етти юзга яқин қариндоши бўлиб, яқинлари орасида таъсири кучли эди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ, Дихя Калбийнинг мусулмон бўлишини на-сиб эт”, деб дуо қилдилар. Бир куни Дихя Исломни қабул қилиш ҳақида ўйлаб қолди. Аллоҳ таоло пайғамбарига бу ҳақда хушхабар бериш учун бомдод намозидан кейин: “Эй Муҳаммад, ҳозир сенинг ҳузурингга Дихя киради”, деб ваҳий қилди. Баъзи саҳобалар жоҳилият даврида Дихя билан чиқишмай юрганларидан Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) хабардор эдилар. Саҳобаларнинг унга

совуқ муомала қилиб қўйишларидан ва Дихянинг Исломдан юз ўгиришидан хавотирландилар. Дихя масжидга кириб келди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ўринларидан туриб, ридоларини ечиб, ерга тўшадилар ва уни ўтиришга таклиф этдилар. Дихя Калбий Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) эҳтиромларидан тўлқинланиб, йиғлаб юборди ва ридони ердан кўтариб, ўпди. Юз-кўзларига суртди.

**Фазилатлари:** Ибн Саъднинг (раҳматуллоҳи алайҳ) айтишича, Дихя Бадр жангидан олдин Исломни қабул қилган. Лекин унда иштирок эта олмаган. Шаъбий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: Дихя Калбий бундай хотирлаган: “Мен Расулulloҳга

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жундан тўқилган чопон ва бир жуфт кавуш ҳады қилдим, уларни йиртилиб кетгунича кийдилар”.

Яҳё ибн Салама отасидан, у киши Дихя Калбийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) мени мактуб билан Қайсарга элчи қилиб юбордилар. Сарой эшигига етиб келганимда: “Мен Аллоҳ элчисининг элчисиман”, дедим. Улар бу сўздан даҳшатга тушди. Бир киши Қайсар ҳузурига кириб рухсат сўради. Шундан сўнг мени ичкарига киритишди. Мактубни Рум қайсарига узатдим. Мактуб бошида: “Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Рум подшоси Қайсарга” деган ёзув бор эди. Саройда ўтирган Қайсарнинг амакиваччаси бундан ғазабланиб: “Нима учун мактубни сенинг номинг билан бошламабди, шу сабаб сен уни бугун ўқима”, деди. Қайсар атрофидаги одамларга чиқиб кетишларини буюрди ва ўзи руҳонийни чақирди. Руҳоний мактубни ўқигач: “Аллоҳга қасам, бу бизга Исо ва Мусо башорат қилган Аллоҳнинг элчисидир”, деди. Қайсар: “Нима қилиш керак деб ўйлайсан?” деб ундан сўради. Руҳоний: “Унга эргашмоғимиз керак”, деди. Шунда Қайсар: “Сен айтаётган нарсани яхши тушуниб турибман. Лекин унга эргашолмайман. Ундай қилсам, салтанатимдан айриламан. Румликлар мени ўлдиради”, деди» (*Имом Бухорий, Имом Муслим*).

**Жаброил (алайҳиссалом) унинг суратида:** Исмоил Истанбулийнинг “Рухул Баён” тафсир китобида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Жаброилнинг (алайҳиссалом) Дихя Калбий (розияллоҳу анҳу) суратида ваҳий олиб келиши Дихя Исломга киришидан олдин ҳам содир бўлган”.

Умму Салама онамиз (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир одам билан гаплашиб ўтирардилар. Ҳалиги киши туриб кетгач, у зот (алайҳиссалом) мандан: “Эй Умму

Салама, бу киши кимлигини биласанми?” деб сўрадилар. Шунда мен: “Бу Дихя Калбий”, дедим. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ўртамизда бўлиб ўтган воқеани саҳобаларга айтиб бермагунларича келган киши Жаброил (алайҳиссалом) эканини билмаган эдим».

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаброил менинг олдимга Дихянинг суратида келади. Дихя жуда чиройли ва хушсурат одам”, деб айтардилар».

Абу Муҳаммад ибн Қутайба (розияллоҳу анҳу) айтади: Дихя Калбий (розияллоҳу анҳу) Мадинадаги саҳобийларнинг энг гўзал ва хушсурати бўлганига шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам Жаброил (алайҳиссалом) унинг суратида кириб, ваҳий олиб келардилар”.

**Олимлардан бири айтади:** “Дихя ўз замонасининг энг хушсурат кишиси бўлган. Жаброил (алайҳиссалом) бу саҳоба суратида Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) олдиларига келишининг ҳам ўзига яраша ҳикмати бор эди. Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) азобнинг хабари ёки танбеҳ оятлари нозил бўлган пайтда элчининг истарали юзи у зотга (алайҳиссалом) таскин берарди”.

\* \* \*

Саҳиҳ ривоятда келади. Хайбар жанги кунида асирлар ичидан Сафийя онамиз Дихя Калбийга (розияллоҳу анҳу) улуш бўлиб тушди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Дихядан Сафийя онамизни (розияллоҳу анҳо) сотиб олиб, озод қилдилар, сўнг уйландилар.

\* \* \*

Ярмук жангида қатнашганидан сўнг Дамашқ шаҳрининг жанубида жойлашган Мизза деган кичик қишлоқда яшади. Ўша ерда ҳазрат Муовия (розияллоҳу анҳу) замонида дунёдан ўтди.

**Сурайё ИБРОҲИМОВА**  
*тайёрлади.*

# Қуръон шифо бўлишининг шартлари

Аллоҳ таоло айтади: **“Эй одамлар! Сизларга Раббингиздан ваъз (насихат), диллардаги нарса (ширк ва бошқа иллатлар)га шифо ва мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди”** (Юнус, 57). Ушбу ояти карима Қуръони карим оятлари кофирларга эмас, балки, мўминларга шифо ва раҳмат бўлишини таъкидлайди. Яна бир оятда: **“Ушбу Қуръон) имон келтирган зотлар учун ҳидоят ва (дилларидаги шак-шубҳани кетказувчи) шифодир. Имон келтирмайдиган кимсаларнинг кулоқларида оғирлик-карлик бордир ва (Қуръон) уларга кўрлик (яъни, қоп-қоронғи зулмат) бўлур”** (Фуссилат, 44), дейилган.

Қуръони карим оятлари шифо бўлиши учун мўмин қуйидаги нарсаларга амал қилиши керак:

1. Аллоҳ таоло ва Расулининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча буйруқларини бажариш, қайтарганларидан қайтиш. Барча ибодатларни Аллоҳ учун холис қилиш. Шунда мўмин шайтон иғвосидан омонда бўлади. Қуръони каримда шайтоннинг бундай эътирофи келтирилади: **«Эй Раббим, мени залолатга кетказганинг сабабидан, албатта, мен уларга ер юзидан (гуноҳларни) зийнатлаб кўрсатаман ва албатта, уларнинг ҳаммасини иғво қиламан. Магар улардан (ихлос берилиб) танланган бандаларингни (адаштира олмасман)»** (Ҳижр, 39–40).

2. Фарз намозларни имкон борича жамоат билан масжидда, нафлларини эса уйда адо этиш.

3. “Истиоза”ни буюрилган барча ўринларда айтиш.

4. Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келган дуоларни ўқиб юриш.

Улардан оиласи ва мол-мулкни сақлаш учун ривоят қилинган дуони ўқиш: Бақара сура-



сининг биринчи беш ояти, Оятал курсий, ундан кейинги икки оят ва сура охиридаги икки оятни ўқиб юриш. Ибн Масъуд (розияллоҳу анху) айтади: “Кимда-ким ушбу ўн оятни ўқиса, ўзига ва оиласига шайтон ҳам, ёмон кўрган нарсаси ҳам яқинлашмайди. Агар мажнунга ўқилса, ўзига келади”, деб айтган. Шунингдек, паноҳ сўраш суралари ёки дуоларини ўқиб юриш керак. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Ким Ихлос, Фалақ ва Нос сураларни эрта тонгда ёки кечқурун уч марта ўқиса, барча нарсадан ҳимояланган бўлади”.

5. Кўзни ҳаромдан тийиш. Бирор мусулмонга адоват, ҳасад, ғазаб ёки шаҳват назари билан қарамаслик.

6. Фойдасиз сўзларни гапиришдан тилни сақлаш, жанжаллашмаслик, уятсиз ва ҳақорат сўзларни айтмаслик. Шунингдек, ёлгон сўзламаслик, ғийбат, чақимчилик қилмаслик, аёли билан бўлган баъзи гапларни айтмаслик. Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичмаслик. Хўрозни, замонани, шамолни, иситма касалини сўкмаслик, бировга берган ҳадясини ёки ёрдамни миннат қилмаслик.

7. Судхўрлик, пора, фахш ишлар, етимнинг моли, шубҳали ва шариат ман этган нарсаларнинг озгинасидан ҳам сақланиш.

8. Фаржни ҳаромдан сақлаш.

9. Қуръони каримни кўп тиловат қилиш.

10. Тақдирга рози бўлиш.

11. Поклик мўминнинг қуроли бўлгани учун доимо таҳоратли юриш.

12. Дунёга берилиш, узун орзулар, очкўзлик, бахиллик, кибр, риё, фақат ўзим дейиш, яхши гумонда бўлмаслик, мусулмонни паст санаш, гуноҳларни арзимас билиш, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиш каби шайтон васвасаларидан сақланиш.

Қуръон билан даволанмоқчи бўлган кишининг имони кучли, Аллоҳ ва Унинг каломи ҳақида соф эътиқодда бўлиши шарт. Қуръон шифо деганига аниқ ишониши керак.

Бемор қодир бўлса, бошқалардан кўра, ўзига ўзи Қуръон ва дуоларни ўқиб дам солиши яхши. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам сура ва дуоларни ўқиб, кафтларига дам солардилар ва қўллари етган барча тана аъзоларини муборак кафтлари билан силардилар. Чунки инсонга энг таъсирли товуш ўзининг овозидир. Агар Қуръони каримни ўқишни билмаса ёки ўрганаётган бўлса, тажвид ва тартил билан ўқийдиган қорилардан бирини ихтиёр қилса бўлади.

Мўмин бўла туриб, Қуръоннинг шифо бўлишидан шубҳа қилган киши Аллоҳнинг шифо ва раҳматидан маҳрумдир. Бундай эътиқоддан сақланиш керак.

**Мухаммадзафар АҲМАДЖОНОВ,**  
Тошкентдаги “Юнусобод-Оқтепа”  
жомеи имом-хатиби

## “ТАРТИЛ” (Қуръон ўқиш қоидалари)



Қуръони каримга эътибор, уни асраш, ёдлашга бўлган иштиёқ сабаб шу мавзуда турли китоблар чоп этилмоқда. Жумладан, яқинда “Мовароуннаҳр” нашриёти мўъжазгина китобча – “Тартил” (Қуръон ўқиш қоидалари) ни чоп эттирди. Ушбу қўлланма Муҳаммад Аҳмад Маъбаднинг савол-жавоб услубида ёзилган “Ал мулаххасул муфид фи илмит тажвид” асари асосида тасниф этилган. Тузувчи Жаҳонгир Неъматов (Тошкент Ислом институти “Таҳфизул Қуръон” кафедраси катта ўқитувчиси) уни қўшимча эслатмалар билан бойитган.

“Тартил” китобчаси олдинги китоблардан бир неча ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. Тажвид қоидалари ўқувчилар ёдида осон ва мустаҳкам қолиши учун савол-жавоб услубида берилган.

2. Жавоблар ҳам ёдлашга қулай бўлиши учун иложи борича қисқа жумлалар билан, айна пайтда батафсил ёритилган.

3. Ҳар бир мавзунинг охирида шу мавзуга доир араб ва ўзбек тилларида байтлар берилган.

4. Китобни тасниф этишда энг ишончли манбаларга таянилган.

Китоб содда ва равон тилда ёзилган. У талабалар ва мутахассисларгагина эмас, балки кенг омма учун ҳам фойдали қўлланма бўлади.



# Ойша онамиздан (розияллоху анҳо) ўргансак...



Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам) билан Ойша онамизнинг (розияллоху анҳо) биргаликда кечирган ҳаётлари ибратларга тўла.

Ойша онамиздан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: «Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) менга: “Албатта, сен мендан қачон рози бўлсанг ҳам, мендан қачон аччиқлансанг ҳам биламан”, дедилар.

“Қаердан биласиз?” деб сўрадим.

“Қачон мендан рози бўлсанг: “Муҳаммаднинг Рабби ила қасам, ундай эмас!” дейсан. Қачон аччиқлансанг: “Иброҳимнинг Рабби ила қасам, ундай эмас!” дейсан”, деб айтдилар.

“Тўғри! Аллоҳга қасам, эй Расулulloх, исмингиздан бошқани ҳижрон этмайман”, дедим.

Бу ҳадиси шарифдаги “исмингиздан бошқани ҳижрон этмайман”, дегани, “фақат исмингизни айтмайман, холос”, демақдир. Ҳурматни, нозикликни кўринг! Ойша онамиз (розияллоху анҳо) жаҳлланганини ҳам оғир ботмайдиган тарзда билдирмоқда. Ўз ўрнида Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳам аёлларига эътиборли бўлганлари сабабли онамизнинг (розияллоху анҳо) ранжиганини биргина сўздан билиб олмоқдалар.

Ҳадисда ҳам эркалар, ҳам аёллар учун ўрнак бор. Афсус шундаки, бугун эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар оила даврасида эмас, балки маҳалла идорасида хал қилинапти. Турмушда бўладиган кундалик тортишувлар катталашиб, овозаси девор оша кўчага чиқмоқда. Бу миллатимиз анъаналарига, муслмончиликка ҳам ярашмайди. Жанжаллар, жаҳл, аччиқ гаплар ўртадаги ҳурмат ва меҳр-муҳаббат илдизларига қуйиладиган қайноққина сув. Оиланинг энг нозик ришталарини таг-томири билан қуритиб қўяди.

Эридан аччиқланиб, қаттиқ-қаттиқ сўз айтаётган муҳтарама аёллар! Бир ўйлаб кўринг, балки сиз ҳам зардангизни мулойимлик билан етказарсиз? Чунки қаттиқ сўздан кўра, юмшоқлик билан қилинган араз кўнгилга кўпроқ таъсир қилади. Эркалар ҳам эътиборни, аёл кўнглини, туйғуларини инобатга олиб яшаш дарсини инсониятга мураббий қилиб юборилган зотдан ўргансалар, соз бўларди. Ахир, бутун умр ёнингизда, яхши-ёмон кунингизда елкадош инсоннинг туйғулари, фикрлари, руҳий ҳолати оилангиз, фарзандларингиз ҳаётига таъсир қилади-ку!

Ойша онамиз (розияллоху анҳо) Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) сочларини ювиб, сўнг фарқ очиб, тараб қўйишлари ҳақида бир неча ривоятларни ўқиб, ўз ҳаётимни тафтиш қилдим. Мен қачон завжимга бундай илтифот кўрсатдим?! Ҳа, эрга хизмат саналган бу ишни бугун илтифот дейиш мумкин. Зеро, бу жуда азиз одамларга қилинадиган марҳаматдек тансиқлашган.

Бугун аёллар уйларида қиладиган ҳар бир ишни миннат қиладиган бўлишди. Бирор юмуш юзасидан койиш эшитса, гапи тайёр: “Мен уйингизни озода тутиб ўтираман, эртадан кечгача тинмайман, болаларингизга қарайман. Овқатингизни пишираман, кийимингиз доим тахт! Яна норози бўлаверасиз!”

Меҳнатини миннат қилиб, савобини йўққа чиқараётган азиз дугонажоним. Сизга ҳам ўзимга берган саволни берай: “Бирор марта бўлсин, турмуш ўртоғингизнинг сочини тараб қўйганмисиз?!” “Йўқ”. Шундай эмасми? “Нега бунчалар майда нарсаларни ёзишяпти экан?” деб ўқувчиларимиз таажжубга туши-

ши мумкин. Аслида, саволни фақатгина соч тарашга оид, деб қабул қилмаслик керак. Бу эрга эътибор бериш, ҳам соғлиғи, озодалиги ҳақида қайғуриш, ҳам меҳрини билдириб, оила мустаҳкамлигига эришиш деганидир.

Айтиб ўтганимиз икки ҳолат нубувват хонадонидан олишимиз мумкин бўлган ибратлар денгизидан томчи, холос. Бу борадаги билимларни ўрганиб, тафаккур қилишда давом этсак, билганларимиз ҳаётимизни фаровонлигига, охират саодатини топишимизга васила бўлади, иншааллоҳ!

#### **Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) айтади:**

\* Агар эринг бор бўлса, икки кўзингни чиройлироқ қилиш (оро бериш) имконинг бўлса, ўшандоқ қилгин.

\* Ўзингдаги нохуш нарсаларни доимо кетказиб юр. Эринг учун бир ерга борганинга ясангандек ясангин. У сенга амр қилса, итоат эт.

\* Эй аёллар жамоаси! Аллоҳ сизлар учун тайёрлаб қўйган нарсаларнинг баъзисини кўрганингизда, эртаю кеч тиним билмас эдингиз. Қай бир аёл ўзи, эри ва болалари учун урчуқ йигирса, албатта, Аллоҳ азза ва жалла унга жаннатда мағриб ва машриқдан ҳам кенгроқ уй беради. Ҳар бир тўқиган кийими учун унга бир юз йигирма минг шаҳар берилади.

\* Эй аёллар жамоаси! Эрингизга итоат қилганингиз, болаларингизга хизмат қилганингиз учун сизларга Аллоҳ таолонинг ҳузурдаги абадий неъматлар башоратини қабул қилинг! Сизлар бу дунёда мискин бўлсангиз ҳам, у дунёда анбиёларнинг хотинлари билан бирга жаннатга биринчи борасиз. Аллоҳ таоло сизларнинг кабирадан бошқа гуноҳларингизни мағфират қилади.

**Нигора МИРЗАЕВА**  
*тайёрлади.*

## Онамга ўхшагим келади

Онам кўп китоб ўқирдилар. Ўқиган китобини биз билан эринмай ўртоқлашардилар. Улар ўқиб берган ривоятлар, ибратли ҳикоялар бизни яхши ишларни қилишга ундарди. “Ширинсўз, меҳрли, сабрли бўлинг, ниятингизга етасиз”. Бу сўзлар ҳикматини кейинроқ англадим....

Йиллар ўтди. Улғайиб, оилали ҳам бўлдим. Ота-онамдан узоқда яшашга тўғри келди. Қийинчиликларга сабр қилишда, рўзғор тутумларида, ишхонамда ходимлар билан аҳил-иноқ бўлиб кетишимда онамнинг ўғитлари асқатади. Турли синовлар у сўзлар ҳикматини теранроқ англата бошлади...

Бир куни дугонам гапириб қолди: “Қўшнимизникида ҳар куни жанжал. Қўшнилар эшитилади, уят бўлади, деган андиша йўқ. Овсинлар бир уйда яшашади, болалари ҳали ёш. Ўйинчоқлар таллашиб тўполон қилишади. Бу тўполон овсинларга баҳона. Эрлари ўртага тушади. Ака-укалар бир-бирига меҳрсиз. Болаларда ҳам бунинг таъсири сезилади...” Онам меҳмонга келган эди. Дугонам кетгач, онам: “Уйнинг файзи келин! – дедилар таъкид билан. – Унинг тутуми рўзғорда жуда муҳим. Агар у оқила бўлмаса, ака-укалар ўртасига совуқчилик тушиши тайин. Зинҳор бу овсинлар тутган йўлдан юра кўрма, оила муқаддас даргоҳ, унга путур етади...”

Болалиқдан тарбиямизга катта масъулият билан ёндашган онам улғайиб, оилали бўлиб кетсак-да, ҳали-ҳануз кўнглимизни ёш боланикидек авайлаб, меҳр берадилар, тарбия қиладилар... Фарзандларимни тарбия қилишда онамга ўхшагим келади...

**Дилфуза РАҲИМЖОН қизи,**  
*Тошкент*

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Саволларингизга Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий  
Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради.



**Савол:** Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Хурматли Муфтий ҳазратлари!

“Дуруди муаззам”, “Лавҳи Бузург”, “Дуои ганжул Арш”, “Мухри нубувват”, “Дуруди тож” каби дуолар ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Алҳамдулиллаҳ, вассолату вассаламу ала росулиллаҳ. Аммо баъд. Сиз санаб ўтган дуолар китобчалар ҳолида чоп этилган. Бу саволга оғзаки ҳам, ёзма тарзда ҳам жуда кўп жавоб берилган. Бу китоблар асли йўқ маълумотлар билан тўлдирилган, сеҳрга тарғиб борлиги ва ақлдан йироқ, мантиқсиз гаплар ёзилгани учун уларни ўқиш зарарлидир. Бунинг ўрнига ёмонликлардан сақланиш ва турли мақсадларга эришиш учун шариятимизда тавсия этилган ишларни бажариш, Қуръон ва суннатда келган дуолар билан кифояланиш мақсадга мувофиқдир.



**Савол:** Ҳозирги кунда пластик карталардаги маблағни нақд пулга алмаштириш ҳоллари кўп учрамоқда, шу судхўрликка кирадими?

**Жавоб:** Билишимизча, пулингизни нақд қилиб бераётган “шоввозлар” холис хизмат қилишмайди. Доимо ўн ёки ўн беш фоиз ҳақ олишади. Яъни, пластик карточкадаги пулингизни нақдлаштириб беришлари эвазига шу маблағнинг маълум қисмини олиб қолишади. Бу эса судхўрликдир.



**Савол:** Хурматли Муфтий ҳазратлари. Бомдод намозидан кейин ухлаш мумкинми?

**Жавоб:** Уламоларимиз бомдод намозидан кейин ухламаслик афзал эканини айтишган. Чунки биринчидан, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Умматимнинг тонгига барака бергин”, деб дуо қилганлар. Ва яна: “Сахар вақти бандаларга ризқ-рўз улашилади”, дейилган. Шу сабаб, тонгда зикр, тасбеҳ ва истиғфор билан машғул бўлиш қалбнинг

ғуборлардан тозаланишига ва гуноҳлардан покланишига, ишни эрта тонгдан бошлаш унинг унумли бўлишига, аёл-қизларимизнинг эрта тонгда туриб, ҳовлию кўчаларни супуриб тозалашлари уйда файзу барака ортишига сабаб бўлади.



**Савол:** Қазо бўлган бир йиллик намоз қай тарзда ўқилади? Умуман, қазо намозларини ўқиш тартиби ва ўқиш мумкин бўлган вақтлар тўғрисида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Бир неча йиллик намози қазо бўлган одам уларнинг қазосини ўқишда: “Энг олдин қазо қилганим бомдод (пешин, аср ва ҳоказо) намозимни ўқишни ният қилдим”, деб кўнглидан ўтказиши керак. Бунда тартиб, яъни бомдоддан бошлаш шарт эмас. Аммо санокда адашмаслик учун тартибга риоя қилиш фойдали. Қазо намозларини ўқиш тартиби ўз вақтида ўқиладиган намозни ўқиш билан бир хил. Қазо намозларини куннинг уч маҳалида – куёш чиқаётганида, тиккага келганида ва ботаётганида ўқиб бўлмайди (“Баҳрур роиқ”).

**Нўъмон АБДУЛМАЖИД**  
ёзиб олди.



Ўзбекистон миллий  
энциклопедиясининг  
3-жилдидан кўчирма:

**“...Жўрабек додхо  
Қаландар ўғли (тахм. 1840–  
1906 Тошкент) Бухоро  
амирлиги таркибидаги  
Китоб беги (1867–  
1870), ҳарбий арбоб,  
маърифатпарвар, 1861  
йили Бухоро амири  
Музаффар тайинлаган  
Китоб беги Зокирбек  
юритган сиёсат халқнинг  
норозилик чиқишларига  
сабаб бўлади ва унинг  
ўрнига халқ хоҳиш-истагига  
кўра (21 ёшли) Жўрабек  
ҳокимликка кўтарилади”.**

Жўрабек ҳокимлик қилган даврда бекликнинг Бухоро амирлигидан сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги кучая боради. Бекликда савдо-сотик, солиқлар, экин-тикин масалалари йўлга солинади. Йўллар, мудрофаа иншоотлари тартибга келтирилади. Бухоро ва Қўқон хонликларида қувғинга учраган сиёсат ва маданият арбоблари шу бекликда паноҳ топишади.

Ўрта Осиёга Россия босқини бошланган даврда Жўрабек босқинчиларга қарши қатъий кураш позициясида турди... У Амирнинг босқинчиларга нисбатан юритган таслимчилик, кейинчалик, келишувчилик сиёсатидан норози бўлган кучларга бошчи сифатида май-

## Жўрабек додхонинг қабри қаерда?

донга келган Абдумалик тўра ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бирига айланди. Жўрабек 1868 йили 1–8 июн кунлари Самарқандни рус қўшинларидан қайтариб олиш мақсадида амалга оширилган шаҳар қамали раҳбарларидан бири эди. Баъзи замондошлари фикрича, Самарқанд қамали Жўрабек ишлаб чиққан Ватанни озод қилиш режасининг таркибий қисми бўлган. 1870 йили Шахрисабз ва Китоб бекликларини чор армияси забт этгач, Қашқарга қочишга уринган.

Илм-маърифатга катта аҳамият берган. Шарқ қўл-ёзмалари, нодир асарларнинг бой кутубхонасига эга бўлган. 1876 йили Петербургда бўлиб ўтган шарқшуносларнинг 3-Халқаро конгрессида қатнашиб, маъруза қилган. Жадидлар билан ҳамфикр, мутафаккир шоир Фурқат билан дўстона муносабатда бўлган”.

Тошкентнинг Қорасув мавзеида, Катта Фарғона йўли ёқасида бино бор. “Жўрабек” жоме масжиди бор. Жўрабек додхо шу ерда яшаган, катта боғ яратган ва шу ерда сирли равишда ўлдирилган. Унинг жасади шу масжид ҳовлисида дафн этилган ва қабри устига мақбара қурилган. Масжид ва

қабристон мутасаддилари айтишича, шўролар даврида мақбара бузилиб, Жўрабекнинг жасади қабрдан чиқариб олинган ва ёнидаги қабристонга дафн этилган. Янги қабр устига бирорта белги қўйилмагани боис, унинг қаерда экани ҳозиргача номаълум.

Сардор, маърифатпарвар, зиёли, сиёсатчи, ватанпарвар... Ўз даврининг етук кишиси, аждодимиз, яқин тарихимиз саҳифаларидан муносиб ўрин олган инсоннинг ўз боғида барпо этилган ва номи билан аталган қабристондаги қабри аниқ эмас. Бу каби ишлардан советларнинг мақсади халқ онгидан миллий қаҳрамонлар ҳақидаги эзгу хотираларни ҳам чиқариб ташлаш эди. Бироқ истилочилар кўзлаган мақсад тўласича амалга ошмади. Собиқ Иттифоқ парчалангач, халқимиз асл фарзандларининг номи қайта тикланди, юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Мақбаралар, зиёратгоҳлар таъмирланди, обод этилди. Шу каби хайрли ишларнинг давоми сифатида соҳа мутахассислари жалб этилиб, Жўрабек додхонинг қабри топилса, зиёратгоҳ бунёд этилса, нур устига нур бўлар эди.

**Анвар ТОЖИЕВ,**  
журналистика фахрийи

Усмон НУРИЙ

# МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ СИРИ: ТАВОЗЕ

Умар ибн Абдулазиз уйига келган дўсти билан суҳбатлашиш асносида хат ёзиб ўтирарди. Бир пайт чироқнинг ёғи озайиб, нури заифлаша бошлади. Шунда меҳмон: “Туриб, чироқни тўғрилаб қўяйми?” деб сўради.

– Меҳмонга хизмат қилдириш одобдан эмас, – деди Умар ибн Абдулазиз.

– Унда хизматчини уйғотай...

Бунга ҳам рухсат бермаган мезбон ўзи туриб, чироқни тўғрилади. Қайтиб жойига ўтирганида дўсти ҳайратини яширмади:

– Эй мўминлар амири, ўзингиз овора бўлишингиз шарт эмас эди...

– Чироқни тўғрилаш учун турганимда Умар эдим, қайтиб жойимга ўтирганимда ҳам Умарман, бирор нарсам камайиб қолгани йўқ, – дея жавоб берди Умар ибн Абдулазиз.

Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) фазилатли ибодат дея атаган тавозе, камтарлик бандаликнинг асосидир; инсонга Аллоҳ таоло ҳузурида “ҳеч” лигини англатиш баробарида даражасини юксалтирадиган фазилатдир. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) воситаларида биз бандаларига амр қилган: **“Сизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг!”** (*Шуаро*, 215).

Зеро, инсонга ярашадигани ҳам шу – банда эканини унутмай, бутун мавжудот, махлуқотга тавозе кўрсатиб яшаш. Бу борада ҳам биз учун Расулуллоҳда (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гўзал ўрнак бор. У зот инсонларнинг энг улуғи бўлганлари ҳолда камтарликнинг чўққисиди эдилар. Бир куни ҳузурларига келиб, салобат-

лари босиб, ҳурматдан титраб турган кишига дўстона, юмшоқлик билан айтдилар: “Қўрқма, биродар, мен ҳам қурайшлик оддий бир аёлнинг ўғлиман”.

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) озод ёки қул бўладими, инсонларни бирдек кўрар, каттами, кичикми, ҳадяларни қабул қилардилар. Жамият паст санаган қул, чўри, ғариб кишиларга айрича эътибор қаратардилар. Анасдан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Мадиналик бир қул Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларидадан ушлаб, истаган жойига ча олиб борарди” (*Имом Бухорий*). Яна у зот (алайҳиссалом) бошқалардан ажралиб, бирор баланд жойда эмас, асҳобнинг орасида ўтирар, шу сабабли нотаниш одам Пайғамбар қайсилигини сўрамагунча, билмасди (*Насоий ривояти*).

Бироқ Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари эга бўлган бу гўзал хулқлар билан ҳеч қачон мақтанмаганлар. У зотни яхши кўришини даъво қилган мусулмон: “Киши севгани билан биргадир” деган ҳадиси шарифга кўра камтарин бўлиши шарт эканлигини ҳам билиши зарур. Бинобарин, бевосита набавий тарбия остида камол топган саҳобалар Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юксак тавозелилик сифатларидан насиба олган зотлардир.

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) “Абу Бакр мендандир, мен унданман”, деган марҳаматларига сазовор бўлган Абу Бакр

Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) халифаликка тайинланганининг илк онларида одамларга бундай хитоб қилган: “Энг яхшингиз бўлмаганим ҳолда сизларга бошлиқ қилиндим. Агар вази-фамни тўғри бажарсам, менга ёрдам қилинг. Агар хато йўл тутсам, тўғрини кўрсатинг...”

У зот халифа бўлгач ҳам, атрофларидаги етим қизларнинг қўйларини соғишда, юмушларига қарашишда давом этдилар. Кўпчилик ўйлаганидек, ишлари кўпайиб, етимларни ташлаб қўймадилар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тарбияларини олган яна бир улўғ саҳобий ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) билан боғлиқ ҳодисани Урва ибн Зубайр бундай ҳикоя қилади: Ҳазрат Умарни елкасига сув тўла мешни орқалаган ҳолатда учратдим. “Эй мўминлар амири, бундай қилиш сизга ярашмайди!”, дедим. У эса:

– Қабила раислари итоатларини изҳор қилиб, ҳузуримга келишгач, ичимда уйғонган кибрни синдириш учун шу ишни қияпман, – деди ва йўлида давом этиб, мешни ансорий бир аёлнинг уйидаги сув идишга бўшатди.

Яна бир куни Аҳнаф ибн Қайс (розияллоҳу анҳу) арабларнинг пешқадамлари билан бирга ҳазрат Умарнинг зиёратига келди. У кишини этагини белига қистириб, югураётган ҳолда кўришди. Аҳнафга айтди:

– Кел, ёрдам бер. Байтулмолга тегишли бир туя қочди. Биласан-ку, бунда қанчалаб одамнинг ҳақи бор!..

Шу аснода келганлардан бири: “Ўзингизни уринтирмай, бирор қулга буюрсангиз бўлмайдимми?” деб сўради. Ҳазрат Умар эса юксак тавозенинг ифодаси бўлган шу жавобни берди:

– Мендан ҳам яхшироқ қул қайда?

Бу юксак ахлоқий фазилатдан насибадорлик саодат, маҳрумлик эса айни ҳалокат эканини Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифда бундай баён қиладилар: “Ким Аллоҳ таоло ризоси учун бир даража тавозе кўрсатса (камтарин бўлса), Аллоҳ шу сабабдан уни бир даража баландга кўтаради. Агар ким Аллоҳ таолога бир даража кибр қилса, Парвардигор уни шу сабабли бир дара-

жа пастлатади, шу тарзда уни асфаласофилинга улоқтиради” (Ибн Можа ривояти).

Тавозедан насиба олмаганлар Аллоҳ таолонинг чексиз қудрат ва азамати қошида ўзининг “ҳеч”лигини англаб етмаган, ўткинчи дунёнинг шошқин йўловчиларидир. Саъдий Шерозий бундай кимсаларга қуйидаги мисол билан хитоб қилади: “Ақлли инсонлар меваси кўплигидан шохлари ерга эгилган дарахт сингари мутавозе бўладилар”. Зеро, бу хислат Ҳаққа муҳаббат ифодаси. Боязид Бистомий айтганидек, саховатда денгиз, шафқатда қуёш ва тавозеда тупроқ каби бўлиши банданинг Аллоҳ таолога муҳаббати ҳақиқий эканидан нишонадир.

Хуллас калом, маънавий иззат, шараф ва мартабага эриштиришда тавозечалик самарали восита йўқ. Тавозесиз бандалик нуқсонли ва иллатлидир. Манманлик ва кибр эса иблис мисолида кўрилганидек, кишини куфргача олиб борадиган энг таҳликали офат. Зеро, Саъдий Шерозий айтганидек: “Ўзига боққанида ўзини кўрган (банда эканини идрок қилмаган) киши Ҳақ таолони тополмайди”.

**Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи**  
таржимаси.

■ Агар бахт-саодат истасанг, ғурур, манманликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, такаббурлик, адоват, гиначиликдан ҳазар қил. Қайғу-аламлар устингга ҳужум этсалар, бу ҳужумларга ўз адабсизлигинг сабабчидир.

*Жалолиддин Румий*

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## ТЕКИС ЙЎЛЛАР ҚУРИЛАДИ

Саудия Арабистони Қироллиги мамлакатда транспорт тизимини янгилаш лойиҳасини маъқуллади. Лойиҳа бўйича Риёз, Жидда, Макка мукаррама ва Мадинаи мунавваранинг автомобил йўллари таъмирланади. Шунингдек, у тўртта изли, саксон саккизта бекатга эга, узунлиги бир юз саксон икки километрлик метро барпо қилишни ҳам ўз ичига олади. Ўн олти миллиард доллар маблағ кетадиган лойиҳани ўн йил муддатда амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг учун ҳукумат бу ишга алоқадор барча вазирликлар ҳамда мамлакатдаги энг йирик ширкатларни жалб қилмоқда.

## 124 ЁШЛИ ОТАХОН

Бир юз йигирма уч ёшни қаршилаган Мусо ота дунёда энг ёши улуг эркақдир. Отахон уч марта уйланган, ўн икки нафар фарзанди ва олтмиш беш нафар набираси бор. 1889 йили Туркиянинг



Қаҳрамонмараш вилояти Туркўғли туманида туғилган. У Усмонлилар давридан тортиб, ҳозиргача ўтган тарихнинг тирик гувоҳидир. Мусо ота ҳануз жисмонан тетик ва бақувват. Ундан узоқ умр кўриш сирлари ҳақида сўрашганида, бундай жавоб берди: “Ичкилик ичмадим, тамаки чекмадим, беш маҳал намозни адо этиб, ҳалол меҳнат қилдим – болаларимни деҳқончилик қилиб боқдим”.

## САНЪАТ АСАРЛАРИ

Париждаги Лувр музейида “Ислом санъати” бўлими очилди. Унда ўн саккиз минг дона қадимий буюм кўргазмага қўйилди. Кўргазмада VII – X асрларга оид экспонатлар, XI – XIX асрларда яшаб ўтган маданият арбобларининг нодир асарлари намойиш этилди. Бўлимнинг иккинчи томонида қадимий гиламлар тўплами, Сурия

усталари ясаган темир буюмлар, Усмонлилар салтанати давридаги сопол идишлар ва Мамлук амирлари ишлатган шахсий анжомлар бор. “Ислом санъати” бўлими биносини машҳур архитекторлар Марио Беллини ва Руди Риччиоттилар чизишган. Унинг умумий майдони уч минг беш юз квадрат метрдан иборат. Томи ойнали, чеккалари зарҳал билан ишланган. Бинонинг таъмири ва Ислом санъати асарларини йиғишга юз миллион евро сарфланган. Маблағнинг асосий қисмини Саудия Арабистонининг “Волид ибн Талол” жамғармаси ҳада қилган.

## ХАТНА ҚИЛИШГА РУХСАТ

Олмонияда барча дин вакиллари қатори мусулмонларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишга аҳамият берилляпти. Мамлакат Ахлоқ-одоб кенгашининг Кёлн шаҳрида ўтказилган йиғилишида ўғил болаларни хатна қилишга доир мусулмонлар илтимосномасини кўриб чиқди ва маъқуллади.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Миср Араб Республикасининг “Табнак” ахборот агентлиги хабар беришича, Араб давлатлари иттифоқи ҳузурида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси тузиляпти. Қўмита раҳбарлиги



Миср инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти вакили Амин Маҳдий зиммасига юклатилган. У бу соҳада кўп йиллик тажрибага эга. Қўмита араб мамлакатлари фуқароларини ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар ҳартомонлама ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Ушбу лойиҳа Баҳрайн ҳукумати ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилди.

## ОВРУПА ЙИҒИНИ

Албаниянинг Дуррас шаҳрида Оврупа ва зирлар қўмитасининг навбатдаги йиғини бўлиб ўтди. Йиғилиш “Оврупа ёшларининг конфессиялар фаолиятида тутган ўрни” мавзусига

бағишланди. Анжуманда халқаро ташкилот вакиллари, олимлар, диншунослар ва турли конфессия вакиллари иштирок этишди. Бу йилги тадбирга мезбонлар – албанияликлар раислик қилди. Йиғинда Албаниянинг саёҳат, маданият, ёшлар ва спорт вазири Алдо Бумчи сўзга чиқиб, бундай мажлисларнинг мунтазам уюштирилиши диндорлар ўртасидаги дўстона алоқалар кучайишига, яхши натижалар беришига ишонч билдирди. 2008 йилдан бери анъанага айланган тадбир олдин Страсбург, кейин эса Охрида ва Люксембургда ўтказилган.

### СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

Ҳозир ер юзи аҳолисининг йигирма уч фоизи, яъни қарийб бир миллиард эллик етти миллион нафари Ислом динига эътиқод қилади. Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги, Қатар, Баҳрайн, Малайзия ва Индонезия каби мусулмон давлатлари ўз халқини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга жисмонан ва географик жиҳатдан имкониятга эга эмас. Шунинг учун улар чет элдан ярим тайёр маҳсулотларни харид қилишади. Мусулмон оламида сут ва гўшт маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича Янги Зеландиянинг “New Image” ширкати энг илғордир. Ширкат маҳсулотларни темир, елим ёки шиша идишларда чет эллик мижозларга тақдим қилади. Унинг маҳсулотларига талаб тобора кўпаяётгани ва тез орада шуҳрат қозонишининг боисини мутахассислар халқаро гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиши, покиза, сифатли ва ҳалол йўл билан тайёрлаши деб ҳисоблашди.

### НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Кавказ мусулмонлари идораси ва диний таълимни ривожлантириш бўйича қўмита билан ҳамкорликда анжуман ўтказди. Тадбир “Диний арбоблар жаҳон нотикларидир” шиори остида бўлиб ўтди. Йиғилишда элликдан ортиқ дин арбоблари, олимлар ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишди. Анжуман қатнашчилари



масжид имомларининг ҳозирги замонда тутган ўрни, мақсад ва вазифалари ҳақида сўз юртишди. Имом намунали, юқори савияли, зукко ва олий маълумотли бўлиши ҳамда қавмга маъруза қилаётганда ёки гаплашаётганда нотиклик санъати билан чиройли тарзда тушунтириб бера олиши кераклиги эътироф этилди.

### МИССИСО КЎЧАЛАРИДА

Канаданинг Онтарио вилояти, Миссиссо шаҳри кўчаларида мусулмонлар ҳафталиги ўтказилди. Ўнинчи йил кетма-кет бўлиб ўтаётган анъанавий бу тадбир доирасида бадий кўرғазмалар, филмлар, концерт ва томошалар намойиш этилди. Етти кунлик кўрғазмада йигирма беш минг нафардан ортиқ Ислом ва бошқа дин вакиллари иштирок этишди. Бундай тантанани Ислом уюшмаси ташкиллаштирди. Анжуман орқали мусулмон аҳолининг дўстлиги, тотувлиги ва замонавийлигини акс эттирилди.

### ХИТОЙДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ

Истанбул шаҳрининг Фотиҳ туманида очилган кўрғазмада Қуръони каримнинг хитой тилидаги дунёда энг улкан тафсирининг нашри намойиш этилди. Китобнинг бўйи икки юз саккиз сантиметр, эни бир метру ўн тўрт миллиметр, оғирлиги эса саксон олти килограмм. Мусулмонлар учун турли буюмлар ишлаб чиқарувчи ширкат раҳбари Юсуф Суюн шарҳни кўчириш ва безашда хитой хаттотлик ва наққошлик санъатидан кенг фойдаланган. Уни тайёрлаш учун икки ярим йил давомида етмиш киши ҳаракат қилган экан. “Хитойда Ислом маданияти ва санъати” доирасида ўтказилган ушбу анжуманда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларининг уйғур тилидаги кўринишлари ҳам намойиш этилди.



### ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

Сомали парламенти депутатлари мамлакат миллий университети собиқ ўқитувчиси Ҳасан Шайх Муҳаммадни президент лавозимига тай-

инлади. Иккинчи номзод Шайх Шариф Аҳмадга бир юз тўқсон нафар депутатдан етмиш тўққиз нафаригина овоз берди. Давлатнинг янги раҳбари олдин Могадишо университетини битириб, Ҳиндистоннинг Бхопал университетида магистрликни ҳимоя қилган. Кўп йиллаб университет талабаларига дарс бериб келган. 2010 йилдан бошлаб “Ривожланиш” партиясини бошқарган. Ҳасан Шайх Муҳаммад халқ фаровонлиги учун бор куч-ғайратини ишлатишга ва мамлакатни оғир аҳволдан олиб чиқишга ваъда берди.



### АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ

Хитойнинг Нинся Хуэй автоном вилояти пойтахти Инчуан шаҳрида покиза маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва савдосини ривожлантириш бўйича халқаро анжуман бўлди. Тадбирда мусулмон мамлакатлардан келган беш юздан ортиқ халқаро ширкат ва институт вакиллари иштирок этишди. Араб мамлакатлари, Малайзия ва Индонезия каби мамлакатлардан ташриф буюрган қатнашчилар бу соҳадаги ютуқлари билан ўртоқлашишди. Ҳозир Хитойда Ислом динига эътиқод қилувчи йигирма уч миллион аҳолининг икки миллион бир юз етмиш минг нафари Нинся Хуэй автоном вилоятида истиқомат қилади.

### ДАВРА СУҲБАТИ

Қозон шаҳридаги Ислом университетида диний ташкилотлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Анжуман “Экстремизмга қарши кураш” мавзуга бағишланди. Тадбир қатнашчилари мавзуга доир долзарб маърузалар билан сўзга чиқишди. Турли динлар, конфессиялар вакиллари фикрларини изҳор этар экан, бузгунчилик дунёдаги барча дин вакилларига ҳам баробар терс эканини таъкидлашди. Унинг олдини олиш учун эса диний ташкилот вакиллари орқали халққа тушунтириш олиб бориш ҳамда ёшларга яхши тарбия бериш кераклиги қайд қилинди.

**Азизхон ҲАКИМОВ**  
тайёрлади.

## Яхшиликка ундаш ҳам яхшиликдир

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг илму маърифатни тарғиб этувчи нашрлари – “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газетаси ва уларнинг қорақалпоқ тилидаги иловаларига обуна қизғин паллага кирди.

“Ҳидоят” ва “Ислом нури” имом-хатибларга дастуриламал, диний билим юртлари талабаларига қўлланма, онахонларимиз, опа-сингилларимизга, қўйингки, барча ўқувчиларимизга яхши насихатчи, эскирмайдиган манба десак, муболаға бўлмайди. Севимли нашрларимизнинг “Тафсир”, “Ҳадис шарҳи”, “Саҳобалар ҳаёти”, “Сўраган эдингиз”, “Ислом ва олам”, “Олисларга саёҳат” каби қатор рукнлари остида бериладиган мақолалар, хабарларни ўқиб, билим доиранингиз кенгайди, воқеа-хабарлардан воқиф бўласиз.



Ҳар йилгидек обуна мавсумидаги тарғибот-ташвиқот ишларида жоме масжидлари имом-хатиблари асосий кўмакчиларимиз ҳисобланади. Улар орқали ушбу нашрлар эл орасига ёйилиб, кўпчилик юртдошларимиз баҳра олишяпти. Албатта, ҳар қандай эзгу иш ажр-мукофотсиз қолмайди. Кишиларни яхшиликка ундаш ҳам уни бажаришдек савоблидир.

Умид қиламиз, мухтарам имом-домларимиз обуна мавсумида ўтган йилларгидан фаолроқ бўлишади. Идорамизнинг ушбу нашрларини доимо ўқиб юрган инсоннинг илми зиёда бўлиши, фазилати кўпайиши шубҳасиз. Демак, уларни тарғиб этиш илмга, яхшиликка тарғиб этиш билан баробар. Маълумки, илмга тарғиб этишнинг савоби уни эгаллашдек машаққатли амалнинг ажри билан тенг. Шундай экан, бу эзгу ҳаракат ривожини йўлида барчамиз бирдек жон куйдирайлик.

**Таҳририят**



# Фаришталарга озор бермайлик

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **“Албатта, Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган, намозни баркамол ўқиган, закот берган ва фақат Аллоҳдангина қўрққан кишилар обод қилурлар. Айнан ўшалар ҳидоят топувчилардан бўлишлари мумкин”** (Тавба, 18).

Улуғ саҳобий Абу Саид Худрий (розияллоҳу анху) ривоят қилади: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қудсий ҳадисда: «Аллоҳ таоло айтади: “Еримдаги уйларим масжидлардир. Ундаги Менинг зиёратчиларим масжидларни обод қилувчилардир”, дедилар» (Абу Нуъайм).

“Аллоҳнинг масжидларини фақат тақводор зотларгина обод қилурлар” мазмунли муборақ жумлани муфассирлар: “Масжидни обод этиш – нураган жойлари бўлса тузатиш, супуриб, тоза, пок тутиш, ёритиш ва уни шариятга зид нарсалардан асраш”, деб тафсир қилишган. Масжиднинг тозалигига, қадрига зарар етказувчи ҳар қандай ҳолат, шунингдек, ҳиди ёқимсиз нарсаларни еб масжидга кириш ҳам макруҳдир. Жобир (розияллоҳу анху) ривоят қилади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Пиёз, саримсоқ пиёз ва ёввойи пиёз еган киши асло масжидимизга яқинлашмасин. Чунки фаришталар одам болалари озорланадиган нарсалардан озор топишади”, деганлар» (Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий).

Яна масжид ичида дунёвий сўзларни сўзлаш, савдо-сотик қилиш, йўқолган нарсаларни излаб, суриштириб, жар солиш каби амаллардан ҳам сақланиш лозим. Масжидга эртароқ келиб, намозни кутиб, тасбеҳ-тахлил айтиб ўтириш фазилатли амаллардан саналади.

Масжидга оёқ кийим билан кирилмайди. “Базлул мажҳуд”, “Шарҳи ниҳоя” китобларида “Оёқ кийим билан масжидга кириш масжидни хорлаш бўлади”, дейилган. Масжид ҳудудига туфлаш, балғам ташлаш ва бошқа йўллар билан ифлос қилиш қабрда зулматда қолишдир (Дамашқий, “Мустатул Фирдавс”). Жой талашшиш, бир маконни намоз учун хос қилиб олиш ҳам макруҳдир. Зеро, бундай ишлар намозхонларнинг ғашига тегади, хушув ва хузуъларини камайтиради.

Соиб ибн Язиддан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади: «Масжидда турган эдим, бир киши майда тош отиб мени чақирди. Қарасам, ҳазрат Умар экан. “Анави икки кишини олдимга олиб келгин”, дедилар. Айтилган икки кишини бошлаб келдим. “Кимсизлар, қаерликсизлар?” деб сўради ҳазрат Умар. Улар: “Тоифликмиз”, дейишди. “Агар Мадина аҳлидан бўлганингизда, нима қилишимни ўзим билардим. Бу қандай гап, Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) масжидларида овозингизни (баланд) кўтарасизлар?” деди».

Баъзи ёш-яланглар каби ўта тор ёки калта кийимларда масжидга келиш ҳам одобдан эмас. Олди ёки орт тарафига жонзотлар расми туширилган, тушуниб-тушунилмайдиган хорижий сўзлар ёзилган кўйлак, майка ёки “шортик” да намоз ўқиш ҳоллари кўп учрамоқда. Ҳолбуки, масжидларни обод қилиш, ибодат ва зикрларни кўпайтириш, масжидда дунё ишларидан четланиш ҳамда масжид одобларига риоя этиш билан бўлади. Шундагина банда ваъда этилган ажрга эришади.

**Абдулазиз МАХСУМОВ,**  
Қашқадарё вилояти Ғузор тумани  
“Баттош” жоме масжиди имом-хатиби

## Меҳрдан тошлар ҳам дурга айланар...

Ёқуб АҲМАДЖОНОВ

### ДАРД ҲАМ МЕҲМОН ЭРУР...

Меҳрибон зот Раббимиз доим ҳозир тургувчидир,  
Гар адашсак раҳм этиб, манзил томон бургувчидир,  
Бу оламда ҳар киши эккан донин ўргувчидир.  
Дардни берган ул Эгам шифони ҳам бергувчидир,  
Яхши кўрган бандасин гоҳ-гоҳ синаб кўргувчидир.

Кимсаки бемор бўлиб, фаҳму фаросат айлағай,  
Ҳазрати Айюб каби ул сабру тоқат айлағай,  
Бор гуноҳдан покланур, дарди каффорат айлағай,  
Дардни берган ул Эгам шифони ҳам бергувчидир,  
Яхши кўрган бандасин гоҳ-гоҳ синаб кўргувчидир.

Намрудни Ҳақ суймади, дард билмай кетди бенишон,  
Дард чекканлар биз каби Расулulloҳ ҳам бир замон,  
Иситма бир ўт эрур, гоҳ тобланур тан бирла жон,  
Дардни берган ул Эгам шифони ҳам бергувчидир,  
Яхши кўрган бандасин гоҳ-гоҳ синаб кўргувчидир.

Бетоб одам ўй суриб, саломатлик қадрин билур,  
Яхши-ёмон ишлари кўз олдига бир-бир келур,  
У тузалгач, шашт билан савоб томонга интилуру,  
Дардни берган ул Эгам шифони ҳам бергувчидир,  
Ўзи суйган бандасин огоҳ этиб тургувчидир.

Хаста бўлсанг, эй Ёқуб, зинҳор шикоят қилмағил,  
Бир дардингни эл аро минг бир ривоят қилмағил,  
Дард ҳам меҳмон эрур, унга маломат қилмағил.  
Дардни берган ул Эгам шифони ҳам бергувчидир,  
Ўзи суйган бандасин гоҳ-гоҳ синаб кўргувчидир.



ДУО

Илоҳи, ҳолимга сен назар қилғил,  
Гуноҳим китобин мухтасар қилғил.  
Мен ғофил банданинг қолган умрини  
Истиғфор, тавбага баробар қилғил.

### ЖИГАРБАНД

Одам дунё бекатида меҳмондир,  
Буни билган ўз нафсига хор бўлмас.  
Оға-ини агар бир тан, бир жондир  
Бошқаларнинг карамига зор бўлмас.

Меҳр деган кўнгилдаги дарёдир,  
Усиз олам куп-қуруқ чўл-сахродир.  
Яхши ака ота ўтгач отадир,  
Оқибат бор хонадон ҳеч тор бўлмас.

Ғаним чиқар хушомадгўй улфатдан,  
Эҳтиёт бўл борингга дўст номарддан.  
Гар ёстиққа бошинг етса бир дарддан,  
Жигарингдан бошқа сенга кор бўлмас.

Тилло занжир увол қинғир эшикка,  
Ёрдам берсанг, бергин ақли етукка.  
Ўнта ўркач ўрнатсанг ҳам хўтикка,  
У барибир туя бўлмас, нор бўлмас.

Аё Ёқуб, ҳой-ҳавас деб чопарсан,  
Яқинлармас, ётга кучоқ очарсан.  
Гар йўқотсанг, ёр ҳам, дўст ҳам топарсан,  
Лек йўқотсанг, ининг қайта бор бўлмас.

### ТАВҲИД

Денгизлар тубида пинҳон жавоҳир,  
Бу мавжлар инжумас, алдайди зоҳир.  
Фақат у ягона, тенгсиз, беназир,  
Бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.



Фанода, бақода беминнат ғаффор,  
Яратган эгангдир, унутма зинҳор.  
Аввалда бор эди, охирда ҳам бор,  
Бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

*Наманган*



**Фазилат НИЗОМОВА**

### НАСИҲАТ

“Не иш қилсам яхши инсон бўлгум, она” –  
Гўзал савол бердинг бугун менга, болам.  
Бу сўзингдан юрагимга кирди ҳузур,  
Чексиз қувонч ила қўлга тутдим қалам.

Олдин Ҳақни тани, бўлма асло жоҳил,  
Илм денгиз, жаннат эрур унга соҳил.  
Яратганга ҳар дамингда қил итоат,  
Унга ихлос-муҳаббатинг бўлсин асл.

Расулининг дийдорига жоним берай,  
Ўшал зотга қўшни қил деб Ҳақдан сўрай.  
Ҳар ишингда суннатига амал қилгин,  
Саодатманд уммат бўлгин, алқаб юрай.

Мужтаҳиду муҳаддислар издоши бўл,  
Улар қандай билим олган, қил тафаккур.  
Ажрата бил, фарқли бўлар ўнг билан сўл,  
Адолатинг, мардлигингдан бўлай масрур.

Ҳунар ўрган, ризку рўзинг бўлсин ҳалол,  
Ҳар неъматни қадрлагин, этма увол.  
Очиқ чеҳра, сахий бўл ҳам олийҳиммат,  
Ота-онанг, элу юртинг дуосин ол...

*Қамаши тумани*



**Абдумухтор ҒУЛОМОВ**

### РОЗИ ҚИЛ

Рози қилгин сен отангни,  
Токи тирик бу дунёда,  
Афсус-оҳлар чекиб қолма  
Кетганида у дунёга...

Отанг сенинг қиблагоҳинг,  
Бузруквор деб билганинг соз,  
Тоғдек хазина топсанг ҳам  
Отанг берган луқмадан оз.

Отангни норизо қилсанг,  
Пушмон бўларсан охири,  
Ота кўнглини ўкситмоқ  
Гуноҳларнинг энг оғири...

Отангни норизо қилсанг,  
Аллоҳ сени кечирмагай,  
“Ота рози – Худо рози”,  
Бу сўз бежиз айтилмагай.

*Шаҳрихон*

**Муҳаммадамин ЖАББОРОВ**

### ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Кўзларимни бойлар, йўлим тўсар гоҳ –  
Ҳар нарсани ризқим дея термайин.  
Ўзгаларга муҳтож қилмагин, Аллоҳ,  
Ҳеч ишда шайтонга улуш бермайин.

\* \* \*

Шошилиб келамиз, шошиб кетамиз,  
Ахир тайинли-ку борар манзиллар.  
Ўзгалардан иззат-ҳурмат кутамиз,  
Бироқ ёмон гапга бурродир тиллар...

*Оқдарё тумани*



2008 йилнинг бошида Самарқанд Давлат университети профессори Неъматжон Низомовга Франциядан хат келди. Ўша йили ноябр ойида Парижда саратон касаллигига қарши курашиш бўйича жаҳон олимларининг халқаро анжумани бўлиши ва бу илмий йиғинга Неъматжон Низомов биофизика мутахассиси сифатида таклиф этилган эди. Бунинг устига айни шу кунлари Австралияда ўтказиладиган атом ва молекуляр физика бўйича халқаро анжуман кун тартибига ҳам профессор Низомов маърузаси киритилган, иштирок этиши сўралган эди. Ва ниҳоят, ота-онаси орзу қилиб етолмаган ҳаж сафарига бориш навбати келганини ҳам маълум қилишди.

## Олимнинг ибрати

Бир-биридан муҳим сафарлар. Лекин ҳаммаси бир вақтга тўғри келмоқда. Нима қилиш керак? Бирортасини ҳам қолдиришга кўзи қиймайди. Уйдагилар ва яқин дўстлар билан маслаҳат қилиб, қуйидаги хулосага келишди: бу сафар Австралияга бормайдиган бўлди; Францияга эса ўғли Шавкатжонни юбориши мумкин. Чунки Шавкат ака-опалари ортидан физика-математика ва кимё-биологияни чуқур ўрганди, фан номзоди бўлди. Инглиз тилида бемалол баҳс-мунозара қилади.

Неъмат ака ҳаж сафарига жўнади. Шавкатжон Франциядан Маккага – ҳаж сафарига юрган отасига телефон қилиб, жуда баҳсли, мунозарали ўтган анжуманда унинг маърузаси юқори баҳоланганини айтди. Ота унинг катта илмий ютуқларга эришишини Аллоҳдан тилаб, дуо қилди. Аллоҳнинг инояти билан унинг дуоси мустажоб бўлиб, Шавкат 2009, 2010 йиллари МДХ мам-



лакатлари олимлари халқаро танловлари ғолиби бўлди.

Неъматжон Низомов биофизикаилми ютуқларини ҳаётда, ишлаб чиқаришда қўллашда ҳам фаол қатнашаётган олимлардан. Ҳозиргача у ўндан зиёд муҳим ихтиро муаллифи бўлди.

Профессор Неъматжон Низомов бошқараётган люминесценция лабораторияси олимларининг ихтиролари халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақият билан қўлланыпти. Жумладан, озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган бўёқларни маҳаллий, экологик тоза мева-сабзавотлардан, улар-

ни қайта ишловчи корхоналарнинг чиқиндиларидан ажратиб олиш технологияси, Навоий тоғ-кон институти олимлари билан тоғ жисмларини эритмалар ёрдамида юмшатиш, газларда кислород миқдорини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар иқтисодийтимизга катта фойда келтирмоқда.

Ўтган йили Неъматжон Низомов номига Англиянинг Оксфорд шаҳридан унинг фахрли “2012 йил Одами” унвони билан тақдирлангани тўғрисида мукофот таъсис кенгашининг раисидан хат келди. Унда жумладан, бундай сўзлар битилган эди:

“Ҳурматли профессор Низомов!

Биографияларни тадқиқ этувчи халқаро маркази кенгаши Сизнинг соҳангиз бўйича дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилганингизни чуқур ўрганиб, ушбу мукофотни беришга қарор қилди.

Тавсия этилган юзлаб номзодлар орасидан соврин-

дорни танлаш қийин кечди. Лекин кўп муҳокама ва мулоҳазалардан сўнг ушбу мукофотни Сизга беришга қарор қилдик...”

Олимнинг пахта ёғидаги гасипол (заҳарли моддалар) миқдорини тез аниқлашга доир ихтиросини халқаро илмий жамиятлар янги ихтиро сифатида эътироф этишди.

Шу йил Биографияларни ўрганиш халқаро маркази минглаб етук муҳандислар орасидан профессор Неъматжон Низомовни “2013 йилнинг етакчи муҳандиси” унвонига лойиқ топди. Шу муносабат билан олим АҚШнинг Кембриж шаҳрида ўтказилган тақдимот маросимида қатнашди.

Эл-юрт ардоғидаги олим Неъматжон Низомов вақт топиб, шеърлар машқ қилади. Тиббиёт фанлари номзоди Фазлиддин Аслиддинов билан ҳамкорликда ўзи туғилиб ўсган Мотурид қишлоғи тарихи ва бугунги ҳаёти тўғрисида “Мотуридим – фахрим” китобини ёзиб, нашр эттирди.

**Аслиддин ҚАМАРЗОДА,**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими

Олим керакки, ўз  
илмининг поя ва  
миқдорини асрагай,  
гавҳарни имтиҳон  
учун тошга урмагай.

*Алишер Навоий*

## Лузумий

Абдулҳамид Лузумий (1900–1977) қатағонга учраб 1937 йили саккиз йилга қамалади, сўнг эллингинчи йиллар бошида қатағоннинг иккинчи гирдобига ҳам тушиб, уч йил сургун азобини тартади.

Лузумий ёшлик чоғларида Собирхон эшон мактабида таълим-тарбия олади. У бадий адабиётга ихлосли, асарлари мумтоз сўз санъатимиз руҳига уйғун эди. Афсус, шоир кадри билинмайдиган замонда яшаб ўтди. Лузумий ўзини Навоийнинг камтарин шогирди ҳисоблаб, ғазалларидан бирида бундай ёзади:

*Гар Навоийни менга устоз десам ёлғон эмас,  
Яъни, мен шогирдининг шогирдининг шогирдиман...*

1977 йили шоир жанозасида ҳозир бўлган Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон “Абдулҳамид ака вафот этиб, Ислом динининг етук билимдони, доно тарғиботчисидан, камтарин бир инсондан айрилдик. Худо раҳматига олсин”, деб дуо қилади.

Қуйида унинг шеърларидан ўқиймиз.

### СИБИРДА АЙТИЛГАН МУНОЖОТ

*Эй кўнғил, кўклам чиқиб, ўтлар кўкарди, боқ, боқ,  
Гул очилди тоғ аро қизил-қизил ҳам оқ-оқ.*

*Ҳар тараф ҳар қайси қуш ўз куйига айлар наво,  
Бир тараф булбул фиғону, бир тараф зоғ ғоқ-ғоқ.*

*Кўкда турналар учарлар, нағма солиб қур-қур,  
Тоғда каклик қичқирурлар бир-бирига қоқ-қоқ.*

*Шод эмас бир жонивор йўқдурки, ҳатто сувга боқ,  
Балиқ ўйнар шўлп-шўлпу бақа сўйлар воқ-воқ.*

*Ҳам учарлар, ҳам кўнарлар, ҳам сузарлар сув уза,  
Ғозу ўрдак шодликдан қичқиршииб жоғ-жоғ.*

*Ўйнашурлар, куйлашурлар жониворлар жуфт-жуфт,  
Ёрим элда, мен Сибирда йиғлашурмиз тоқ-тоқ.*

*Э Худо, қолдик жудолик кечасида зўр-зўр,  
Лутф этиб, вуслат чироғин ўртамизга ёқ-ёқ.*

*Эй Лузумий, йиғлама, яхши-ёмон иш Тангридин,  
Йўқ ажаб бўлса карам, бир кун куларсан чоғ-чоғ.*

### ТОШКЕНТДАГИ ОШНОЛАРГА САЛОМ

*Тошкент бориб, сабо, айт ошноларга салом,  
Қон қотишмай, жон қотишиган ақраболарга салом.*

*Гар тиши тушган, оқарган сочлари, ранг ўзгариб,  
Хусни хулқ ила безалган дилраболарга салом.*

*Сўзлари дард аҳлига доридин ортиқроқ шифо,  
Дардмандлардин ўшал соҳибшифоларга салом.*

*Ўртада ёлғиз муҳаббат, ўзга йўқдир муддао,  
Диллари ойинадек аҳли сафоларга салом.*

*Чун Лузумийнинг саломини етурсанг барига,  
Сўнг алардин ҳам кетур биз бенаволарга салом.*

**Зухриддин ИСОМИДДИНОВ**  
нашрга тайёрлади.

# Ўзингизни яхши кўрасизми?

Сухбатларда “Фалончи жонининг ҳузурини билади, ўзини жуда яхши кўради-да...” деган гап кўп қулоққа чалинади. Кейин бу жумла ортига изоҳлар тиркалади:

“Ҳеч жонини қийнагиси келмайди,  
ҳатто жигарлари учун ҳам”;

“Доим ташвишларини бошқаларнинг елкасига  
ортади, ҳеч ўзига юк олмайди”;

“Хоҳлаганида ётиб, хоҳлаганида туради”;

“Бошқанинг қўлидан олиб бўлса ҳам,  
нарсанинг яхшисини ейди”;

“Ҳақми-ноҳақми, ҳар қандай тортишувда  
ўзиникини ўтказди”;

“Айтганини қилдиради”;

“Ўзига қилинган ёмонликни унутиши, кечириши қийин”;

“Бировларнинг хоҳиш-истаклари билан  
ҳисоблашмайди” ва ҳоказо...

Агар буларга таянилса, жонини қийнаб, кимгадир ёрдам берадиган, ўз ғамлари қаторида бошқалар ташвишида югуриб-еладиган, қўлидаги луқманнинг энг ширин жойини бошқасига илинадиган, ҳақ бўлса-да, жанжал бошланмасин деган андишада тилини тиядиган, кимнингдир кўнглига озор беришдан қўрқиб ҳар қадамини ҳисоб билан босадиганлар ўзини ёмон кўрган бўлиб чиқади. Бу ҳусусда менга яхшилар сингдирган тушунча бошқача:



Қийинчилиги эвазига бировга кўмаклашаётган одам ўзини яхши кўради. Нега дейсизми? Ҳар бир яхшилик садақа экани, бир эзгулик учун ўн савоб берилиши ҳақидаги ҳадисга амал қилгани учун. Бошқаси учун чекаётган машаққати охират сафарида енгилликларга сабаб бўлишини билгани, шунга умид боғлагани учун...

Бировга зарра малол келишни хоҳламаган, ўзгалар ҳожати тушганида эса ҳар қандай хизматга тайёр турадиганлар жонининг қадрини

билган ҳисобланади. Чунки улар Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) келган хуш-хабарни қалбларига жойлашган: “Дўзах ширин муомалали, мулойим, виқорли ва бошқаларга ёрдами тегадиган кишига ҳаромдир” (*Имом Термизий ривояти*).

Хоҳлаганида ётиб, хоҳлаганида туриш ўзини яхши кўриш эмас, балки била туриб, жонига жабр қилишдир. Зеро, Аллоҳ таоло биз бандаларига маълум вақтларда адо этиладиган вазифаларни буюрган: “...**намоз мўминларга вақти тайин этилган фарз-дир**” (*Нисо, 103*).

Ҳамма нарсанинг яхшисини ейишга мен ҳақлиман, бошқалар мендан кейин, дейиш билан киши ўзига фақат ёмонлик қилади. Зеро, мўмин камолотга ўзига яхши кўрганни ўзгага ҳам раво кўриш билан етишади (*Муттафақун алайҳ*).

Ҳақлигини билса ҳам, жанжалли тортишувдан қочиб, сукутни лозим кўрган одам ўзини ҳаммадан яхши кўради. Чунки у энг ростгўй инсоннинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳақ бўла туриб жанжални тарк этган кишига жаннатдаги бир уйга кафилман” (*Абу Довуд ривояти*) деган ваъдаларига ишониб, амал қилади.

Худбинлик билан айтганини қилдириш, ҳар қандай йўл

билан ниятига эришиш асло ўзини яхши кўриш эмас. Ўзига ҳам, ўзгага ҳам зулм, холос. Зулм эса, қиёмат кунида эгаси учун зулмат бўлади (*Имом Муслим ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамлар қанча азият бермасин, кечирганлар. Юракларини ўртаган мусибатга сабаб бўлган, ҳазрат Ҳамзани (розияллоҳу анҳу) ўлдирган ҳазрат Ваҳшийни (розияллоҳу анҳу), у ҳам имон келтиргач, афв этганлар. Ана шундай зотга умматлигини ҳис этган киши ўзига қилинган ёмонликни унутишга, кин сақламасликка уринади. Одамларнинг хатоларини афв этиш билан Аллоҳнинг мағфиратига эришишни хоҳлайди: **“...балки уларни афв қилиб, кечирсинлар! Аллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизми?!”** (*Нур, 22*); **“Албатта, ким (азиятларга) сабр қилса ва (Аллоҳ учун) кечириб юборса, албатта, бу пухта ишлардандир”** (*Шўро, 43*).

Ўта ҳалимлиги, ҳамма-нинг кўнглига қараши билан кўзимизга кўрқоқдек кўринадиган кишилар чин маънода ўзини яхши кўрганлардир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «(Эй Мухаммад!) **Ўз жонларига** (гуноҳ билан) **зулм қилган бандаларимга айтинг:** **“Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи Мағфиратли ва**

**Раҳмлидир»** (*Зумар, 53*); ҳадиси қудсийда “Раҳматим ғазабимдан устундир” (*Муттафақун алайҳ*), “Эй бандаларим, сизлар кеча-ю кундуз хато қиласизлар. Мен эса гуноҳларингизнинг барчасини кечираман” (*Имом Муслим ривояти*), дея марҳамат қилади. Бироқ бандадаги банданинг ҳақини банда кечмагунича кечирмайди. Буни билган одам бировга асло озор бермайди. Одамлар наздида кўрқоқ ёки журъатсиз бўлиши Аллоҳнинг ғазаби олдида ҳеч нима эмаслигини ҳис қилгани учун ҳам дилозорликдан тийилади, бировларнинг хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашади.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) айтган экан: “Мен ҳеч кимга яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилмадим. Нима қилсам, ўзимга қилдим”. Шунга кўра, ақлли мўмин “ўзини ўйлаш, ўзини яхши кўриш”га худбинликдан келиб чиқиб ёндошмайди. Аллоҳ таолонинг огоҳлантиришини ёдида тутди: **“Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақланг...”** (*Таҳрим, 6*); **“...одамларни яхшиликка буюрасиз-у, ўзингизни унутасизми?!”** (*Бақара 44*). Ўзини яхши кўргани, эҳтиёт қилгани учун ҳам гуноҳ, хатолардан тийилади.

Ўзингизни шундай яхши кўра оласизми?

**Зумрад ВАҲОБОВА**

**Ҳасанхон ҚАЮМОВ**

## **ОЛЧОҚ ОДАМНИНГ АҲВОЛИ**

\* \* \*

Инсон умр бўйи нафсининг хуружларини бардош билан енгиш орқали улуғ синовдан ўтади. Унутмайлик, нафс хуружи кўпинча “ёқимли” бўлади.

\* \* \*

Жамиятни пароканда қилувчи ҳар қандай иллат илоҳий меъёрларни менсимаслик натижасидир.

\* \* \*

Олди олинмаса, кибр, манманлик, тама каби иллатлар юқумли касалликдай тез ва кенг тарқалади.

\* \* \*

Ҳаммада худбинлик бор, бироқ уни енгиш даражаси ҳар кимда ҳар хил.

\* \* \*

Олчоқ одамнинг аҳволи тузалмас дардга чалинганни-кидан юз чандон оғир.

\* \* \*

Хатоларидан хулоса чиқармаганнинг боши балодан чиқмайди.

\* \* \*

Фикр ақлга эшидир, танбал хорликка хешдир.

*Тошкент*

# Намибия Республикаси

*Жуғрофий ўрни.* Жанубий Африкада жойлашган. Шимолда Ангола ва Замбия билан, шарқда Ботсвана, жануби-шарқ ва жанубда Жанубий Африка Республикаси билан чегарадош. Ғарбий қирғоқларини Атлантика океани сувлари ювиб туради. Мамлакатнинг асосий қисми, айниқса, марказий ҳудудлари тепаликлардан иборат. Энг юқори нуқтаси Кёнигштайн тоғида – 2606 метр.

Намибияда дарёлар кам, борларига ҳам маълум муддатлардагина сув келади. Қуруқ ўзанлар “ошан”, яъни ёмғир мавсумида тўлиб-тошиши, ҳудуднинг олтмиш фоизини сув остида қолдириши мумкин. Энг катта дарёлари Оранжривер (Сариқдарё), Фишривер (Балиқдарё) ва Окаванго.

Иқлими иссиқ, ёғин-сочин кам. Бундай об-ҳаво шароити Бенгел совуқ ҳаво оқими таъсирида юзага келади.

*Тарихи.* Бугунги Намибия ҳудудида қадимда бушмен қабилалари яшаган. Улар овчилик ва мева-чева йиғиб-териш билан кун кўрган. Кейинчалик бу ерга готтентот чорвадор кўчманчи қабилалари – нама ва дамралар келиб ўрнашган.

XVI асрдан бошлаб мамлакат ҳудудига гереро, овамбо, каванго, йейе, тсвана каби банту қабилалари келиб, ўтроқлаша бошлаган. XVIII аср сўнгида овамбо қабиласи гереро ва готтентот қабилаларини ҳудуддан сиқиб чиқаради. Бироқ 1830-йилларда Йонкер Африканер бошчилигидаги нама қабиласи гереро ва дамара қабилаларини мағлубиятга учратади.

**Майдони:** 825 418 кв.км.

**Аҳолиси:** 2 300 000 дан ортиқ.

**Пойтахти:** Виндхук шаҳри.

**Тўзуми:** республика.

**Давлат бошлиғи:** президент.

**Маъмурий тўзилиши:** 13 та вилоят (регион)-дан иборат. Вилоятлар эса 102 та округга бўлинади.

**Йирик шаҳарлари:** Виндхук, Уолфиш-Бей, Свакопмунд, Ошакати, Хрутфонтейн, Китмансхуп.

**Пул бирлиги:** Намибия доллари.

Оврупаликлар бу қум-саҳро ватанига кечроқ кириб келади. Буюк Британия 1878 йилдагина Уолфиш-Бейни ўз мустамлака ҳудудига қўшиб олади. 1883 йили олмон савдогари Адолф Людерис Ангра-Пекен кўрфази соҳилларидаги ҳудудни маҳаллий нама қабиласи сардоридан жами 200 фунт-стерлинг қийматга эга икки юзта қурул ва товар эвазига сотиб олади. 1884 йили Олмония Намибия ҳудудини Олмония Жануби-Ғарбий Африкаси (ЖҒА) номи билан ўзига қарашли қарам мамлакатга (протекторатга) айлантиради.

1890 йилги инглиз-олмон шартномасига кўра, ҳозирги Намибиянинг Уолфиш-Бейдан бошқа барча соҳил ҳудудлари Олмония ихтиёрига ўтади. 1904 йили Самуэл Магареро бошчилигида гереро қабиласи олмонларга қарши қўзғолон кўтаради ва қақшатқич мағлубиятга учрайди. Бу воқеадан кўп ўтмай Хендрик Витбоой ва Якоб Моренга бошчилигидаги нама қабиласи бош кўтаради. Ҳарбий ҳаракатлар 1907 йилнинг мартига қадар давом этади ва тинчлик битими имзоланади. 1915 йили – Биринчи жаҳон уруши даврида Жанубий Африка Бирлиги қўшинлари Олмония Жануби-Ғарбий Африкаси ҳудудини босиб олади. 1920 йили Жанубий Африка Бирлиги Миллатлар Лигасидан Жануби-Ғарбий Африкани бошқариш ваколатини (мандатини) олади.

1961 йили Жанубий Африка Бирлиги Миллатлар ҳамдўстлиги таркибидан чиқиб кетади ва тўла мустақил давлатга – Жанубий Африка Республикасига айланади. 1966 йилдан Жануби-Ғарбий Африка Миллий ташкилоти Жанубий

Африка Республикасидан озод бўлиш ҳаракатини бошлайди. Бу даврда халқаро ҳамжамият ҳам ЖАРнинг Намибия ҳудудидаги ҳукмронлигини оқламас эди. 1988 йилга келибгина Жанубий Африка Республикаси ҳукумати Намибияни тарк этади. 1990 йил 21 мартда БМТ Бош котиби иштирокидаги маросимда ЖАР Президенти Намибия мустақиллигини эълон қилади. Шу даврдан бошлаб мамлакат Намибия Республикаси деб юритила бошлаган.

Намибия 1990 йилдан БМТ ва Африка Бирлиги ташкилоти аъзоси. 1991 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олган. Миллий байрами – 21 март – Мустақиллик эълон қилинган кун.

*Иқтисоди.* Ялпи ички маҳсулотнинг йигирма фоизга яқини кон саноати ҳиссасига тўғри келади. Энг кўп уран ва олмос қазиб олинади. Ишчи кучининг деярли ярми (47 фоизи) қишлоқ хўжалиги билан банд. Лекин бу тармоқ ЯИМнинг ўн фоиздан озроқ қисминигина ташкил этади, холос. Чорвачилик, нисбатан қоракўлчилик бир қадар ривожланган. Балиқчилик ва сайёҳлик тармоқлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Хомашёни қайта ишлаш ва оғир саноат, айниқса, машинасозлик жуда орқада. Бу соҳалардаги эҳтиёж импорт ҳисобига тўлдирилади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг эллик фоизи четдан кириб келади.

Мамлакат иқтисодиёти ҳозир ҳам Жанубий Африка Республикаси иқтисодиётига кўп жиҳатдан боғлиқ. Намибия доллари ЖАР рандасининг кучли таъсирида. Шуларга қарамасдан Намибия Африкадаги бой давлатлар қаторида туради. Бу ерда ишсизлар аҳолининг ўттиз-қирқ фоизини ташкил этади.

Намибия Африка, Кариб денгизи ҳавзаси ва Тинч океани региони мамлакатлари иқтисодий бирлиги аъзоси.

*Аҳолиси.* 2010 йилги маълумотга кўра, мамлакатда аҳолининг йиллик ўсиши 0,9 фоизга етади. Аҳоли сони бўйича дунёда 143-ўринда туради. ОИТС билан касалланганлар кўплиги сабабли аҳоли сонини аниқлашда кўп хатоликлар ва чалкашликлар келиб чиқади. 2007 йили БМТ ўтказган текширувда катта ёшли аҳолининг 15,3 фоизи

ОИВ вируси билан зарарлангани аниқланган.

Аҳолининг асосий қисмини (80 фоизини) банту қабилаларига мансуб элатлар ташкил этади. Метис-дурагайлар 6,5 фоиз, оқтанлилар 0,6 фоиз. Оқтанлиларнинг кўпчилиги ва қоратанлиларнинг деярли барчаси африкаанс тилида сўзлаша олади. Расмий тил инглиз тили ҳисобланади. Лекин у асосан ёшлар орасида, иккинчи тил мақомида ёйилган. Олмон, африкаанс, гереро ва ошивамбо тилларига “миллий тиллар” мақоми берилган. Ошивамбо ёки ндонга тили она тили ҳисобланади, африкаанс тилига эса иккинчи тил деб қаралади. Африкаанс тилида аҳолининг олтимиш фоизи гаплашади, ўттиз икки фоиз аҳоли эса олмон тилини билади. 1990 йилгача олмон ва африкаанс тили расмий тил ҳисобланган.

*Дини.* Намибияликларнинг кўпчилиги – 80 фоизга яқини насронийлардан, асосан лютеранлардан иборат. Маҳаллий тушунчаларга эътиқод қилувчилар ҳам бор. Ислом дини эътиқод қилувчилар сонига кўра мамлакатда учинчи ўринда – мусулмонлар аҳолининг уч фоизини ташкил этади. 1999 йили Намибия мусулмонлари раҳбарияти мамлакатда 1500 нафар мусулмон борлигини қайд этган. 2009 йилги маълумотга кўра, Исломга эътиқод қилувчилар сони 3000–5000 атрофида.

Намибия мусулмонларининг кўпчилиги нама элатига мансуб. Намалар орасида муслимларнинг сони ортишига уларнинг таниқли сиёсий раҳнамоси Яъқуб Салмон Дамирнинг 1980 йили Исломни қабул қилгани сабаб бўлган.

Мамлакатдаги биринчи масжид – Соуэто Ислом маркази 1986 йили Катутура шаҳрида очилган. 2009 йил майдан буён ўлкада йигирмата масжид фаолият юритади, уларнинг олтитаси пойтахт Виндхукда. Мамлакатда Ислом ҳуқуқи масалаларини Намибия фикҳ кенгаши ечади. Кенгаш идораси Оҳангвена вилоятининг Ондоба туманида жойлашган. Мамлакат мусулмонлари Саудия Арабистони ва Жанубий Африка Республикасида исломий таълим олишади.

**Орифжон МАДВАЛИЕВ**  
*тайёрлади.*

**“У (Аллох) шундай зотки, (сўритокларга) кўтариб қўйиладиган ва кўтариб қўйилмайдиган (узумзор) боғларни, таъми турлича (бўлган) хурмо ва мевали дарахтларни, (ранг ва таъмда) ўхшаш ва ўхшамас зайтун ва анорларни пайдо қилди. Мева ҳосил қилганда, мевасидан тановул қилинг! Ҳосил йиғиш кунда (муҳтожларга) ҳаққини (ушри ва хирожини) беринг\* ва исроф қилман! Албатта, У исроф қилувчиларни севмайди”.**

(Анъом, 141)



Узумда калий, калций, магний, марганец, кобалт, С, Р, РР, В<sub>1</sub>, В<sub>6</sub>, В<sub>12</sub> дармондорилари, фолий кислотаси, каротин моддалари бор. Узум углеводларга, (18–20%), органик (олма, салицил, лимон, каҳрабо в.б.) кислоталарига бой.

Узум – фаол пешоб ҳайдовчи, ични юмшатувчи ва балғам кўчирувчи восита; буйрак, ўпка, жигар

**А**нор шарбати овқат ҳазмига кўмак берувчидир. У биоген меъёрловчи сифатида ошқозон ости беши касалликларини даволашда ёрдам беради. Камқонликда ва қонни тозалаш зарурати туғилганида фойда беради. Ярим-бир пиёладан, уч маҳал овқатланишдан 30-40 дақиқа олдин ичилади. Шунга муносиб парҳез сақлаш лозим. Бир босқич муолажа икки-тўрт ой давом этади, сўнгра бир ой танаффус қилинади. Сўнг яна такрорланади, лекин шуни ёддан чиқармаслик лозим, у камаштириш хусусиятига эга. Айрим ҳолларда қабзиятга олиб келиши мумкин.

Анор шарбати, шунингдек, ошқозон-ичак фаолияти бузилишида, юқумли касалликлардан ва жарроҳлик амалиётидан сўнг қувват берувчи восита сифатида истеъмол қилинади.

**Жалолиддин НУРИДДИНОВ**  
тайёрлади.

касалликларида, подагра ва қон босимида фойдали, ундан танани умумий мустаҳкамловчи восита сифатида ҳам фойдаланишади.

Узумнинг қатор навлари микробларга қарши курашиш хусусиятига ҳам эга.

Узум шарбати тана қувватини оширади ва тетиклаштиради.

Уни асаб тизими толиққанида (астения) ва қувват пасайганида ҳам истеъмол қилиш яхши натижа беради. Глюкозага бой. Пешоб ҳайдаш ва терлатиш хусусиятига эга. Қонда холестеринни камайтиради.

Узум шарбатини овқатланишдан бир соат олдин кунига уч маҳал ичиш зарур.

Бошлашда шарбатни ярим пиёладан ва босқич охирида, 1–1,5 ойдан сўнг бирваракайига 2 пиёлагача ичиш тавсия этилади.

Ич кетишига мойиллик, қандли диабет, ҳаддан ташқари тўлалик, ошқозон яраси, сурункали ўпка шамоллаши касалликларида узум шарбатини кўп миқдорда ичиш мумкин эмас.



\* “Ушр” – ҳосилнинг ўндан бирини Аллоҳ йўлига садақа қилиш. “Хирож” эса, ушрдан кўпроқ, то ҳосилнинг ярмигача садақа қилиш демакдир.